Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 27 ноябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 90 (6787)

Даъват

Сўзлаганда сўз қадрини билмаган Инсонлардан сўзлаёлмас лол яхши.

МАҲТУМҚУЛИ.

Ибрат

Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги Ғўртепа қишлоғида янги мактаб биноси қуриб битказилди. Мактабнинг қурилиши учун вилоят жамғармасидан 10 миллион сўм ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **қарор қилади:**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 1996 йил 26 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 22 ноябрь.

ОЛИЙ МАЖЛИС ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ МУҲОКАМАСИГА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАРНИ КИРИТИШ МЎЛЖАЛЛАНМОҚДА:

1. Узбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ва Узбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1997 йилги истиқбол курсаткичлари лойиҳаси тўғрисида.
2. Адвокатура тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда киритилмоқда).
3. Нотариат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда киритилмоқда).
4. Сиёсий партиялар тўғрисидаги Узбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда киритилмоқда).
5. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).
6. Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).
7. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари буйича вакили (омбудсмен) тўғрисидаги Узбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).
8. Давлат хизмати тўғрисидаги Узбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).
9. Узбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда киритилмоқда).
10. Узбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда киритилмоқда).
11. Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
12. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
13. Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам ҳавола этиш мўлжалланмоқда.

Маъруфжон Маҳаматов Нодира номидаги Асака педагогика билим юртида тасвирий санъатдан дарс беради. «Санъат — эзгулик манбаи» деган ақида унинг шиори. Ва у мазкур ақидани талабалар қалбига ҳам сингдириш пайида.

СУРАТДА: М. Маҳаматов иш устида.

А. АБДУРАҲИМОВ олган сурат.

Олий ўқув юртларида

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР

ТошДУ қошидаги олий педагогика институтида «Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар: якунлар, муаммолар, вазифалар» мавзусида илмий-методик конференция бўлиб ўтди. Унда ҳозирги куннинг долзарб муаммолари юзасидан сўзга чиққан профессор-ўқитувчиларнинг маърузалари тингланди.

Профессорлар Ш. Шаропов, Қ. Усмонов, Ў. Ҳайдаров, З. Исломов ва Р. Сангировларнинг «Ўзбекистонда демократик ва сиёсий тизим асосларининг яратилиши ва уни такомиллаштириш вазифалари», «Маънавият ва маърифат—тараққиёт омили», «Ҳуқуқий ислоҳотлар ва аҳолини ҳуқуқий тарбиялаш вазифалари», «Кўппартиявийлик ва сиёсий мухолифат—жамиятни демократлаштириш кафолати» мавзуларида чиқишлари, айниқса, конференция қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари Шуҳрат Жабборов ва Ўзбекистон радиоси ижтимоий ва иқтисодиёт бўлимининг бошлиғи Саидазим Мардиевларнинг «Матбуот, ахборот воситаларининг демократик ривожланишидаги ўрни, муаммолари ва вазифалари» мавзусидаги маърузалари ҳам йиғилганлар диққатини ўзига жалб этди.

Ялпи йиғиндан сўнг анжуман қатнашчилари «Сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий ислоҳотлар: якунлар, вазифалар», «Ёшларни маънавий-маърифий тарбиялаш масалалари», «Гуманитар ва табиий фанларни ўқитиш методикаси масалалари» шўъбаларига бўлиниб машғулотлар ўтказдилар.

Тожиддин ҒАЙБУЛЛАЕВ.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Маркс Жуманиёзов Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинланди.

● «Қишлоқ хўжалик экинлари пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

● Ўзбекистон Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг 1996—1999 йилларга мўлжалланган фаолият дастури ишлаб чиқилди.

● Тошкентда «Ўзбекистон иқтисодиётининг нодавлат секторини ривожлантириш муаммолари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

● Ўтган куни Россия бош вазири В. Черномирдин билан Чеченистон иттифоқ ҳукумати бошлиғи А. Масхадов томонидан Москвада имзоланган муваққат шартнома Чеченистондаги вазиятнинг яқин ўртада мўътадиллашишига умид туғдирмоқда.

● Филиппин пойтахти Манилада АҚШ Президенти Билл Клинтон билан ХХР Давлат кенгашининг раиси Цзянь Цземинь олий даражадаги давлат ташрифларини ўтказишга келишиб олишди. Клинтоннинг таъкидича, галдаги юз йиллик даврида бу иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар юқори даражада бўлиши давр талаби бўлиб қолмоқда.

● Фаластин аҳолиси Ғазо секторида яҳудийлар учун турар жой бинолари қурилишига қарши оммавий норозилик билдиришмоқда. Фаластин раҳбарияти тутган бу йўл Исроилни тегишли чора-тадбирлар кўришга мажбур этмоқда.

Депутат минбари

ЎҚИТУВЧИЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА БОШ-ҚОШМАН

Оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялаш мустақил мамлакатимиз сиёсатининг ўзагини ташкил қилади. Зеро, ўқувчиларда тарихимизга меҳр, Ватанга садоқат руҳини шакллантирмай туриб, бирон-бир ижобий натижага эришиш қийин.

Давлатимизнинг буюк келажагини яратувчилар мактаб партасиданоқ тарбия топмоғи лозим. Бунда асосий вазифани илм даргоҳи муаллимларини бозор иқтисодиёти қийинчиликларидан муҳофаза этиш, уларнинг самарали ишлашлари учун шароит яратиб бериш имконини изламоқдамиз. Муаллим уйи, рўзғоридан кўнгли тулгандагина мароқли дарс ўта олади, унинг иши унумли бўлади.

Туманимизда халқ таълимига қарашли 45 та мактабгача тарбия муассасалари, 52 та мактаб, 1 та лицей, 1 та иқтисодий гимназия, 4 та мактабдан ташқари таълим муассасаси фаолият кўрсатиб турибди. Уларда 30211 нафар болаларга таълим берилмоқда.

Туман мактабларида меҳнат қилаётган педагогик жамоаларимиз орасида замон руҳида меҳнат қилаётганлари анчагина. Бу борада 1, 10, 12, 13, 17, 20, 21, 22, 29, 33, 35, 40, 43-мактабларни ҳамда лицейни фахр билан тилга оламиз. Бу мактабларда таълим сифати яхши бўлиши билан бирга уқувчиларга миллий истиқлол мафкурасини, фуқаролик бурчига ҳурмат ҳиссини сингдириш, келажаги буюк Ватанга муҳаббат, садоқат ҳиссини тарбиялаш борасида ҳам ибратли ишлар қилинмоқда.

Мактабларимизни бойитиш чора-тадбирлари кўриляпти. Кичик корхоналар, цехлар, устахоналардан тушадиган даромад мактаб ҳисобида туради. 20-мактаб 249 минг, 40-мактаб 324 минг, 21-мактаб 64 минг, 13-мактаб 46 минг сум маблағга эгадир. Уз ҳисобларида 10 мингдан 250 минг сумгача маблағга эга бўлган 20, 21, 19, 40, 31, 22, 29, 30, 28, 34, 13, 12-каби бойбадавлат мактабларимиз мавжуд.

Таълимдаги бош ижрочи — ўқитувчининг иш шароитини яхшилаш, малака ва би-

(Давоми 2-бетда).

ММММ

ХАБАРЛАРИ XABARLARI

ФИТРАТ УЙ МУЗЕЙИ

Бухоро вилоятидаги Фитрат боғида адиб таваллуд топган куннинг 110 йиллигига бағишлаб «Фитрат уй музейи» ташкил қилинди. Музейга Фитрат даври адабиётлари, тарихий ҳужжатлар, Фитрат асарлари ва қўлёзмалари қўйилди. Манбаларни топишда Абу Али ибн Сино номидаги вилоят кутубхонаси ходимлари катта ёрдам бердилар.

ZAMON TALABI

Ma'lumki, hozirgi kunda kompyeter tizimiga qiziqish ortib bormoqda. Shu maqsadda ToshDU mexanika-matematika fakulteti qoshida iqtisodiy-informatika bo'limi ochildi. Bo'limda 22 nafar Respublikamiz institutlarining iqtidorli talabalari tahsil olishmoqga. Ularda informatika va iqtisod matematika fani nuqtai nazaridan o'rgatilmoqda.

ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТЛАР

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида вилоят халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институти кутубхоначиларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказидаги фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонини ҳаётга татбиқ қилиш борасида «Илғор тажриба мактаби» мавзусида машғулотлар бўлиб ўтди.

Машғулотлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

МУАЛЛИФЛАР: Ф. ЖУМАЕВА, Akmal QO'CHQOROV, Л. БЎРИБОЕВ.

МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ВА УНИНГ ТУРКИСТОНЛИК ГУЛТОЖЛАРИ

Бу ҳақда 3-бетда ўқийсиз.

Матбуот кўзгусида

ДАЛИЛЛАРНИ РАД ЭТИБ БЎЛМАЙДИ

Қуйида келтириладиган кўрсаткичлар жадвали «Независимая газета»нинг 1996 йил 22 ноябрь сонида эълон қилинган. Москвада чиқадиган ушбу газета ўтган ҳафтанинг охирида ўз шарҳловчиси Игор Гундаровнинг «Россияда феодализмнинг муваффақиятли ривожланиши» деб киноя ли номланган мақоласини босиб чиқарди. Мақолада Россия Федерациясида 1991 йилдан 1996 йилнинг биринчи ярмигача бўлган даврда бозор ислоҳотларининг амалга оширилиши ҳамда иқтисодий вазият батафсил таҳлил этилган. Рақамлар таққосланган 100 фоиз кўрсаткичи 1990 йилга нисбатан олинган.

Муаллифнинг бирорта сўзини ўзгартирмаган ҳолда мақоладан ати битта кўчирма келтирамиз:

«Россия ислоҳотларни амалга ошириш борасида ҳатто МДҲ давлатлари ўртасида энг сўнгги ўринлардан бирини эгаллайди (бунга ишониш қийин, аммо рақамларни рад этиб бўлмайди). Россия 1996 йилда саноат ишлаб чиқариши даражаси буйича 1990 йилга нисбатан 47 фоизлик кўрсаткич билан Ўзбекистон (106 фоиз), Туркманистон (81 фоиз), Белоруссия (63 фоиз), Украина (55 фоиз), Қозоғистон (48 фоиз), Арманистон (48 фоиз)дан кейинда қолиб кетди. Молдавия (43 фоиз) ва Озарбойжон (41 фоиз) биз билан изма-из келмоқда. Фақат Қирғизистон (39 фоиз) ва Грузия (18 фоиз) биздан анчагина ортда қолмоқда».

МДҲ мамлакатларида 1991 йилдан 1996 йилнинг 1-ярмига қадар бўлган даврда саноат ишлаб чиқаришнинг ўзгариши. (1990 йил 100 фоизга тенг)

Муаллиф келтирилган далилларга таяниб, Россиядаги ислоҳотларда ғалати зиддият кўзга ташланади, деб хулоса чиқаради. Яъни, Россия иқтисодиёти социализмдан бозор иқтисодиётига ўтиш ўрнига, хўжалик юритишнинг феодал усуллари сари оғиб,бормоқда...

Бунинг бизга ҳеч қандай тегишли жойи йўқ, албатта. Бироқ масаланинг бошқа томони диққатга сазовор: «Независимая газета» статистиканинг холис маълумотларига таянган ҳолда мамлакатимизни иқтисодиётни ислоҳ қилиш натижаларига кўра собиқ совет ҳудудидаги республикалар орасида биринчи ўринга қўймоқда. Гарчи газетада илгари эълон қилинган кўпгина материалларга назар ташлаган киши бу матбуот органининг мустақил Ўзбекистонга унчалик меҳри баланд эмаслигига амин бўлади... Нима ҳам дердик, газетанинг ўзи эътироф этганидек, далилларни рад этиб бўлмайди.

А. БАРАНОВ, ЎзА шарҳловчиси.

ЖИЗЗАХДА ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Ҳар қандай даврда ҳам энг аввало маънавият ва маърифат масаласини жиддий ҳал этмай туриб, ҳеч қачон асосий мақсадга эришиб бўлмайди. Негаки, халқимиз орасида «Пойдевори мустаҳкам уй узоқ яшайди» деган ажойиб ҳикмат бекорга айтилмаган. Ахир, биз болаларимизни келажакка бугунданоқ муносиб тайёрлай билмасак, буюк истиқлолимиз гуллай-яшнай олармиди?!

Яқинда Жиззахда халқ таълими фаолларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда барча туман, шаҳар ҳокимлари, халқ таълими бўлими мудирлари, барча турдаги таълим муассасаларининг раҳбарлари ҳамда вилоят ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда жорий йилнинг 25 октябрь куни Президентимиз И. КАРИМОВнинг Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида кўрсатиб ўтилган қатор камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш масаласи атрофлича муқокама қилинди.

Ўтказилган йиғиннинг эътиборли томони ҳам шундаки, вилоят ҳокими Ш. Мирзияев ҳар битта туман ҳокими ва халқ таълими бўлими мудиридан камчиликларни тузатиш борасидаги режаларини сўраб, мўлжалланган ишларнинг аниқ муддатларда бажарилишини таъминлашни улар олдига жиддий вазифа сифатида қўйди. Бу эса, халқ таълимининг ривожи учун ҳоким ҳамда ХТБ мудирлари баравар масъул эканлигининг аниқ далилидир.

Бундан ташқари, бир қатор раҳбар ходимларнинг мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари борасидаги фикр-мулоҳазалари, таклифлари барчага маъқул бўлди. Шу жумладан, йиғилиш давомида «Халқ таълимини ривожлантиришнинг 2000 йилгача мўлжалланган истиқбол дастури» қатнашчилар томонидан маъқулланди.

Йиғин сўнгида Республика халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев сўзга чиқиб, келажакда амалги оширилиши лозим бўлган таълим муассасалари моддий базасини бойитишга, уларда таълим-тарбия беришни мазмунан янгилаш жараёнини жадаллаштиришга доир бир қатор муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида тўхталди.

Мухбиримиз.

Долзарб мавзу

ТАРБИЯ ТАЪЛИМДАН АЙРИ БЎЛМАСИН!

Мустақил давлатнинг ўқитувчиси қандай бўлиши керак? Энг аввало, унинг вазифаси, фикри нималарга қаратилмоғи лозим? Қолаверса, унинг жамиятдаги обрўси қайси мезонлар билан ўлчанади? Ана шу саволларга бугунги кунда ҳар бир халқ таълими ходими, ўқитувчи аниқ жавоб бермоғи лозим. Агар кундалик ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришларга назар ташласак, таълимнинг тарбиядан анча узоқлашиб кетганлигини кўрамиз. Биз болаларимизга борлиқдаги ҳамма нарсадан таълим берамиз. Бироқ уларнинг тарбиясини четлаб ўтамиз. Уларда виждон, иймон, эътиқод, одоб каби инсоний фазилатларнинг шаклланмаганлиги туфайли жамиятимизда ҳали ҳам болалар ўртасида ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир бўлмоқда. Бундай аҳволнинг рўй беришида биз — муаллимларнинг ҳам айбимиз бор, албатта. Бу қанчалик аччиқ бўлмасин, тан олмай иложимиз йўқ. Мозийга бир назар ташлайдиган бўлсак, қаттиққўл, жоҳил подшоҳлар ҳам халқ меҳрини қозонган, илм соҳиблари ҳам ўз устозларини жуда

(Давоми 2-бетда)

ТЎҒРИ КЕЛГАНИГА КЎНАВЕРМАЙДИ

Берлин университетининг нейробиологлари асаларилар мавҳум фикрлаш қобилиятига эга, деб маълум қилдилар. Тажрибаларда симметрик шаклли предметларга суртилган асалдан татишга урганган ширинтомоқлар имтиҳондан муваффақиятли ўтдилар: улар фазода чалкаштирувчи ҳаракат қилаётган 12 шакл ичидан «ҳўрак» бўлмасада, айнан симметрикларини топиб боравердилар. Олимлар оддий нейрон тузилмаларида ҳам мавҳум тафаккур шаклланиши мумкин, деган хулосага келдилар.

КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТСИН

Жанубий Корея республикасида олий ўқув юртларига имтиҳон топшириш ишларининг боришида қатъий чоралар кўришга ҳам тўғри келади. Бу йил имтиҳон топшириқларини тушунтириш вақтида (8.35 дан 8.45 ҳамда 16.00 дан 16.20 гача) Сеул аэропортлари ёпиб турилди ва кучаларида ортиқча шовқин-сурон кўтарилмаслиги учун имтиҳонлар вақтидан бир соат кейин бошланди.

ЭНГ АВВАЛО ТОЗАЛИК

Атроф-муҳитга зарар етказмайдиган, этанол спирти билан ҳаракатланувчи автобус биринчи марта Швейцияда ишлаб чиқарилди. Иқтисодчи Бенгт Сэвбарк мамлакатда техник спиртлар — метанол, этанол сотувига солиқни бекор қилишни талаб қилмоқда. Унинг фикрича, буларнинг оммавий равишда автомобиль ёқилғиси сифатида ишлатилиши 2010 йилга келиб Швейцияда ҳавога чиқарилаётган заҳарли газларнинг 10 фоиз камайишига олиб келади.



ТЕЛЕТИББИЁТ

Билакдаги асбоб аскарнинг ярадорлигини махсус марказга етказгач, мутахассислар жанг майдонидаги шифокор бошига маҳкамланган муъжаз видеокамера орқали ярадор аҳволини ўрганиб, тегишли кўрсатма берадилар. АҚШнинг ҳарбий медицинадаги ушбу ютуғига асосан Европа ва Америка госпиталларини боғлаб турувчи «телемаслаҳат» тизими ишга тушди, янгилик Боснияда ҳам синовдан ўтказилди.

ЭҲТИЁЖДАН ИШТИЁҚ ТУҒИЛДИ

АҚШнинг «Континентал эалайнз» авиакомпанияси йўловчиларга парвоз давомида ҳам узлуксиз телекўрсатувлар кўрсатишни бошламоқчи. Биринчи марта «Хэррис» фирмасида тузилган техник асбоблар ёрдамида самолёт бир пайтнинг ўзида уч йўлдошдан ахборот қабул қилиб олади.

АСТРАХАНЬ МАМОНТИ

Россиянинг «Селеное» қишлоғи ёнидаги дарё қирғоғи ўпирилиб, йирик-йирик суяклар очилиб қолди. Астрахань музей кўриқхонасида суяклар шу вақтгача умуман учрамаган мамонтга тегишли эканлигини аниқлашди. Россия Палеонтология институтида илмий аҳамиятга эга янги топилмани ўрганишга киришдилар.

ҚИШЛОҚЛАРДА ЗАМОНАВИЙ МАКТАБЛАР ҚУРИЛАДИ

Муртазо СУЛТОНОВ,
республика халқ таълими вазири ўринбосари.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 6 январдаги қарорига асосан республикамиздаги ҳар бир қишлоқ мактаби инвентаризациядан ўтказиб чиқилди. Унинг натижаларига кўра 2000 йилгача бўлган давр ичида қишлоқ мактаблари учун замонавий бинолар қурилиши, уларни замон талабига мос равишда жиҳозлаш ишлари режалаштирилди. Бу режа «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ҳукуматимиз Қарорида ўз аксини топди.

Уз вақтида етилиб турган муаммолар ечимини қамраганлиги билан қимматли бўлган мазкур қарор эълон қилингандан бери Вазирлар Маҳкамасида бир неча марта уни ҳаётга тадбиқ этиш масалаларига бағишланган мажлислар бўлиб ўтди. Қишлоқ врачлик шоҳобчаларининг янги лойиҳаларини яратиш, аҳолининг ичимлик суви ва газга бўлган эҳтиёжларини қондириш, янги мактаблар қурилиши кун тартибининг асосий масаласи сифатида муҳокама этилди.

Кўпдан бери орзиқиб кутилган, том маъноси билан, узбек қишлоғини маданий-маърифий юксалтиришга, ёш авлодни соғлом камол топтиришга йўналтирилган ушбу қарордан сўнг вазирликнинг 113-сонли буйруғи асосида ишчи гуруҳи тасдиқланди. Гуруҳ биринчи навбатда 1996 йилда қишлоқ жойларида 24,3 минг ўқувчига мўлжалланган авария ҳолатидаги мактаблар учун бинолар қурилиши, фойдаланишга топширилиши режа-дастурини Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари ва «Истиқболстат» бошқармалари билан ҳамкорликда кўриб чиқиб, ҳукуматга тақдим этди.

Барча вилоят халқ таълими бошқармаларининг бошлиқлари иштирокида бўлиб ўтган ҳайъат йиғилишида эса бу ўта долзарб тадбирларни уз вақтида пухта бажаришда таълим муассасаларининг маҳаллий ҳокимиятлар, қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорлиги алоҳида таъкидланиб, 1996 йилда қишлоқ ҳудудларида фойдаланишга топширилиадиган мактаб бинолари ва уларнинг моддий негизини тўлиқ таъминлашнинг аниқ муддатлари белгиланди.

Аввало, қишлоқ мактабларининг аҳволи ўрганилиб, 50 фоизи газлаштирилмагани, 30 фоизи ичимлик суви билан таъминланмагани, 50 фоизида спорт заллари ва майдонлари йўқлиги, ошхона ва кутубхоналар ҳам талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Бу муаммолар Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Бухоро ва Андижон вилоятларида долзарб бўлиб турибди. Вазирлик мавжуд аҳволни таҳлил этиб, қишлоқ мактабларининг моддий-техник базасини ривожлантириш дастури лойиҳасини тайёрлади. Жумладан, шу йилнинг узида жами 42,5 минг ўринли 133 та мактаб қуриб ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадларга 2 миллиард 205 миллион сўм маблағ ажратилган. Қурилиш ишларининг камида 60 фоизи бажариб бўлинган, иш тўхтаб қолган объектларда эса қурилишлар қайта жонлантирилмоқда. Масалан, Жиззах вилоятида олтита ана шундай объект мавжуд бўлиб, шундан тўртасини 1996 йил охиригача қуриб битказиш ва ишга тушириш мумкин. Умуман, янги йилгача 65 та қишлоқ мактаби янги бинога кўчиб утиши лозим. Айниқса, носоз ҳолатдаги мактаблар ўрнига дастлабки икки йил ичида бинолар қуриш мўлжаллангани диққатга сазовордир.

1996 йилнинг тўққиз ойлик натижаларига кўра 37272 нафар ўқувчига мўлжалланган 116 та мактаб бинолари (шу жумладан 29613 нафар ўқувчига мўлжалланган 101 та мактаб қишлоқ жойларда) фойдаланишга топширилди. Қорақалпоғистон Республикасидаги 1414 ўринли 5 та, Андижон вилоятидаги 2296 ўринли 13 та, Бухоро вилоятидаги 3500 ўринли 8 та, Жиззах вилоятидаги 1492 ўринли 6 та, Қашқадарё вилоятидаги 1104 ўринли 3 та, Навоий вилоятидаги 2090 ўринли 3 та, Наманган вилоятидаги 4113 ўринли 13 та, Самарқанд вилоятидаги 8602 ўринли 30 та, Сурхондарё вилоятидаги 1444 ўринли 4 та, Сирдарё вилоятидаги 704 ўринли 3 та, Тошкент вилоятидаги 2280 ўринли 11 та, Фарғона вилоятидаги 2582 ўринли 8 та, Хоразм вилоятидаги 2624 ўринли 6 та ва Тошкент шаҳридаги 3361 ўринли 3 та мактаб бинолари шулар жумласидандир. Бундан ташқари қўшимча бинолар ҳам қуриб берилди.

Афсуски, мактаб қурилиши Қашқадарё, Сирдарё, Андижон, Сурхондарё, Фарғона, Навоий вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида секинлик билан амалга оширилмоқда.

Бухоро вилояти Шофиркон тумани «Боғиафзал» жамоа хўжалигидаги мактабларда эса зарур маблағ масаласи ҳал бўлмагани учун пудратчи ташкилот иш бошламай турибди.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани Қўшёғоч посёлкасидаги 48-мактабнинг янги биноси деярли тайёр, фақат иссиқлик тизимини утказиш ишлари қолган бўлса ҳамки, ҳанузгача маблағ ҳисоби очилмаган. Зангиота туманидаги 25-мактаб янги биноси қурилиши тугай деб қолганда, пудратчи ташкилот – Узбекистон деҳқон хўжалиги қурилиши давлат бирлашмасига қарашли 1-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна объектни ташлаб кетиб қолган.

Жиззах вилояти Шароф Рашидов ширкатлар бирлашмасидаги мактаб, Ғаллаорол тумани «Соҳибкор» ширкатлар бирлашмасида қурувчиларнинг иш суръатлари паст.

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани Беруний жамоа хўжалигидаги мактаб қурилиши эндигина бошланди.

Давлат бюджети ҳисобидан қурилаётган объектлар учун маблағ ажратиш масаласини тез ҳал этиш Молия вазирлигига топширилди. Қишлоқ мактабларини қуришда асосий пудратчи ҳисобланган «Узагроқурилиш», «Узжамоақурилиши» корпорациясига қурилиш сурьатини жадаллаштириш, режалаштирилган қувватларни декабрь ойигача тугатиб, фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилди.

Кези келганда айтиб ўтиш керакки, таълим муассасаларини замонавий техника воситалари билан таъминлаш масаласи вазирликнинг жиддий эътиборида. Хусусан, жорий йилда мактаблар учун энг замонавий техника воситалари – 160 комплект «IBM» компьютерлари ажратиш режалаштирилган эди. Шулардан 145 комплекти жойларга етказилди, қолганлари йил охиригача юборилади.

Шунингдек, мактабларни жиҳоз, мебеллар билан уз вақтида таъминлаш мақсадида вазирлигимиз билан Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги «Файз» мебел ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ўртасида 1996 – 2000 йилларга мўлжалланган шартнома тузилди. Жамиятнинг иккита цехида фақат таълим муассасалари, хусусан мактаб учун мебел, жиҳозлар ишлаб чиқарилиши ҳисобга олиниб, йилнинг биринчи чорагиданоқ иш бошлаб юборилди. Қурилиб фойдаланишга топширилган мактаблар 30 миллион сўмлик мебел (стол, стул, жовон, парта, доска)лар билан таъминланди.

Бундан ташқари, вазирликка қарашли «Таълим-таъминот» бош бошқармаси қошида «Жаҳонгир» фирмаси, бир қатор вилоят халқ таълими бошқармалари қошида эса кичик корхоналар тузилиб, уларда ҳозирги кунда зарур бўлган парта ва доскалар ишлаб чиқарилмоқда. Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги устахона мактабларни бур билан таъминлаётир.

Бозор иқтисодиётига утишдаги мураккабликлар ҳисобга олиниб, таълим муассасаларида мавжуд бўлган ўқув-кургазма қуроллари ва жиҳозларни таъмирлаш борасида вазирлик тасарруфидаги ташкилотларда амалий чора-тадбирлар белгиланмоқда. Жумладан, Республика «Таълим-таъминот-жиҳоз» ва Андижон «Таълим-таъминот» корхоналари қошида лингафон, физика, химия кабинетлари, электр ускуналарини, амперметр, вольтметр, осциллограф, универсал тўғрилагичларни таъмирловчи «Мактаб-лингафон», Бухоро вилояти «Таълим-таъминот» корхонаси қошида эса кодоскоп, эпидиаскоп, эпинпроектор, графопроектор, телескоп ва фильмоскопларни таъмирловчи «Мактаб-жиҳоз-Бухоро» қўшма корхоналари очилмоқда.

Хуллас, янги мактаб биноларини қуриш, уларни жиҳозлаш, фарзандларимизга юқори савияда таълим-тарбия олишлари учун етарли шароит яратиб бериш ҳукумат сиёсати даражасига кўтарилган экан, бу масалага тегишли барча ташкилот ва муассасалар билан бирга ҳар биримиз жонбозлик кўрсатмоғимиз даркор. Шундагина халқимиз олдида юзимиз ёруғ булади.

«Халқ сўзи» газетасининг 26 ноябрь сонидан олинди.

ЎҚИТУВЧИЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА БОШ-ҚОШМАН

(Боши 1-бетда).

лимларини ошириб боришга имкон яратиш иш сифатининг омилидир.

Барчамиз Президент Ислом Каримовнинг халқ таълими ходимларини ижтимоий қуллаб-қувватлаётганини кўриб турибмиз. Ҳақиқатан ҳам 1990 йилдан то шу кунга қадар бу соҳага оид 24 та фармон қабул қилиниб, улар билан халқ таълими ходимлари ижтимоий ҳимояланиб, ойлик иш ҳақлари, тариф ставкалари оширилди. Шу йиллар давомида туманимизда 283 нафар ўқитувчи ва тарбиячиларнинг давлат уйлари узларига бепул шахсий мулк қилиб берилди. Сўнгги 2 йил ичида 760 нафар ўқитувчи ва тарбиячиларга шахсий уй қуриш учун ер участкалари берилди. 3500 дан зиёд ўқитувчи-тарбиячилар газ, электр энергияси, сув ва коммунал хўжалик хизматидан бепул фойдаланиб келишмоқда. Шу мақсадлар учун ойига 730 минг сўм маблағ ажратилади. Ёки халқ таълими ходимларига берилган бир йиллик имтиёзларни қоплаш учун маҳаллий бюджетдан 8 миллион 760 минг сўм маблағ сарфланмоқда. Ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячининг имтиёзи учун ўртача 2500 сўмдан маблағ сарф этилади.

Мен ўқитувчи ва тарбиячиларнинг меҳнати гоят машаққатли эканини биламан. Шунинг учун ҳам уларни моддий томондан рағбатлантиришга доимо бош-қошман. Бу йил 840 нафар муаллим ва тарбиячилар оталиқ, ҳомий ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Ҳозир туманда 647 нафар муаллимга қўшимча ер берилиб, деҳқончилик қилишлари учун имкон яратилди.

Директор мактабда ягона ва бош фигура бўлиши керак. Чунки у муайян ҳудудда «Таълим тўғрисида»ги Қонунни бажариш учун масъул шахсдир. У ўзи ишлаётган меҳнат жамоасининг мураббийси ва ғамхури бўлмоғи зарур. Изланувчан, янгиликни, ҳужалик масалаларини тўғри ҳал қила оладиган ва тежамкор, мактабни бошқариш функциялари, тамойиллари ва методлари асосида иш юритадиган бўлмоғи зарур. Директор ўқув режасидаги ҳамма предметларни ўқув дастури доирасида уни ўқитишга бўлган талабларни пухта эгаллаган, етарли маъмурий қобилиятга эга бўлиши зарур. Шуларни ҳисобга олиб, туман ҳокимияти халқ таълими бўлимидаги масъул шахсларнинг фикрига қулоқ тутган ҳолда, мактабларга ишнинг кўзини пухта биладиган, етти ўлчаб бир кесувчи раҳбарларни қўймоқда.

Таълим ишининг асосий ижроси, педагогик кадрларнинг сифатига боғлиқ. Ўқитувчи ўқувчига таълим-тарбия берар экан, унинг ўзи янада обрўли бўлиши лозим. Барча-барчамиз муаллимнинг ҳурматли бўлмоғи учун курашмоғимиз керак.

Бағдодда халқ таълимининг ривожи маҳаллий ҳокимиятнинг қуллаб-қувватлашига боғлиқ. Буни ҳис қиламан. Имкониятлар изланаверса, ишга солинаверса, маориф тизимидаги муваффақиятлар ҳам кўпаяверади.

А. АБДУСАМАТОВ,
Бағдод туман ҳокими,
Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, халқ таълими аълочиси,
«Халқ таълими ҳомийси» нишондори.

«СОҒЛОМЖОН — ПОЛВОНЖОН» МУСОБАҚАСИ

Чортоқ тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Наргиз» 3-болалар боғчасининг спорт майдончаси яқинда байрамона безатилди. Амир Темур номидаги, «Шодлик», «Ҳилола» боғчаларининг жажжи тарбияланувчилари ўртасида «Соғломжон — полвонжон» спорт мусобақаси утказилди. «Шодлик» болалар боғчасининг тарбияланувчилари мусобақа шартларини яхши бажариб, 1-ўринни эгаллашга муваффақ булишди, 2-ўрин Амир Темур номидаги, 3-ўрин «Ҳилола» боғчаларининг кичкинтойларига насиб этди.

Абдуғани НЎЪМОНОВ.

Бир соатлик дарс

ҲАЁТИЙ САБОҚЛАР

Президентимиз Ислом Каримовнинг ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш борасида қилаётган хизматлари беқиёсдир. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги эълон қилинган Фармон ҳам фикримизнинг яна бир ёрқин далилидир.

«Ёшларимиз онгига она-Ватанга, буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун махсус таништирув саёҳатлари ташкил этиш барча ҳокимлар зиммасига юклатилсин», дейилади Фармонда. Ана шу қўйилган вазифадан келиб чиқиб мен ноанъанавий машғулотлардан бири — «Саёҳат» дарсини ўтказдим. Аввало, ўғил-қизлар республикамиздаги тарихий обидалар жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз каби шаҳарлар, мустақиллик даврида бунёд этилган гўзал пойтахтимиздаги «Туркистон» саройи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Мустақиллик майдонидаги ўзгаришлар, Халқаро миқёсдаги «Юнусобод» теннис корти ва бошқа турли қўшма корхоналарга хаёлан саёҳат қилдирилди. Сўнгра Самарқанддаги Амир Темур мақбараси, Бибихоним Жоме масжиди, Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари, Регистон майдони, Улуғбек расадхонаси, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд, Ситораи Моҳи Хоса, Лабиҳовуз, Чор Бакр, Минораи Калон каби тарихий қадамжолар суратлари кўрсатилди. Бу обидаларнинг қурилган вақти айтилиб, ўқувчилар диққати ложувард рангли кошинларга, бинолар пештоқидаги гўзал нақшларга жалб қилинади. Нақшлардаги симметрик ўқлар, симметрия марказлари, бурчаклар, учбурчаклар, тўртбурчаклар, умуман турли кўп бурчаклар кўрсатилиб, мадрасалар ҳовлисидаги супалар параллелепипед, ҳовли саҳни тўғри тўртбурчак ёки квадрат, миноралар кесик конус шаклида эканлиги қайд этилди. Натижада ўқувчиларнинг геометриядан олган билимлари бойиш билан бирга улкан меросимиз, тарихий қадамжоларимизга ҳурматлари янада ошди.

Шундан сўнг Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин бунёд этилган улкан ва гўзал иншоотларга саволлар орқали «саёҳат» қилдирилди. Ўқувчиларга Асака шаҳрида ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Тико», «Дамас» русумли машиналар тасвири кўрсатилди. Бундай пайтда бутун синф ўқувчилари муаллимдан янгилик кутадилар. Мен бу вазиятдан фойдаланиб, қўшма корхона машиналарининг афзал ва қулай томонлари жуда кўплигини сўзладим. Масалан, у бошқа автомобиллардан деярли 3 баробар кам, яъни 100 км йўлга бор-йўғи 4,3 литр бензин сарфлайди. Салон ичига замонавий жиҳозлар, совутгичлар ўрнатилган. Шу боис 1,5 ой ичида 1911 та машина сотилди. Мазкур кўрсаткич завод маҳсулотларига талаб тобора кучайиб бораётганини кўрсатади.

Завод ҳақидаги қисқача ҳикоядан сўнг ўқувчиларга машиналардаги ойнаклар тўғри тўртбурчак, тўртбурчак, трапеция, ғилдирак қисмлари айлана, доира умуман ҳар бир қисмлари қандайдир геометрик белги ёки шакл асосида тузилгани хусусида тушунча берилди. Бу эса ўқувчиларнинг билимларини янада бойитди, иқтисодимизнинг кундан-кунга ўсиб бораётганидан ҳам уларни хабардор этди.

Умуман олганда, ўқитувчи, мураббийлар республикамиз, жаҳон миқёсидаги янгиликлар, воқеаларга илмий ёндошиб, дарс мобайнида улардан ижобий фойдаланса, ўғил-қизларнинг, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб етишишига муносиб ҳисса қўшган бўлади.

Қодирали РАҲМОНОВ,
Наманган вилояти Наманган туманидаги 27-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ТАРБИЯ ТАЪЛИМДАН АЙРИ БЎЛМАСИН!

(Боши 1-бетда).

ҳурмат қилишган. Ўз навбатида устозлар ҳам ўзларининг одоби, хулқи, ширинсўзлиги, ақл-заковати билан шогирдларнинг ҳурматини қозонишган.

Президентимиз И. А. Каримов «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган рисоласида биз — маориф ходимлари олдига ҳам бир қатор муҳим вазифалар қўйди. Асосий вазифамиз маънавий баркамол, билимли, мустақил Ватанимиздан фахрланиш туйғусига бой кишиларни тарбиялашдан иборат. Шундай экан, ҳар қандай шароитда ҳам биз бу ишни ўз виждонимизга ҳавола қилган ҳолда, тўла-тўкис бажармоғимиз лозим. Сир эмас, кейинги йилларда турмушимиздаги бир қатор қийинчиликлар туфайли олий маълумотли, обрўли, билимдон ўқитувчиларимизнинг аксарият қисми ўзининг севган касбини ташлаб, тижорат ишларига ўтиб кетди.

Хўш, буни қўрқоқлик ёки бойлик орттириш, яхши яшаш, қийинчиликларга бардош бера олмаслик, дейиш мумкинми? Ҳа, азиз ҳамкасблар, бу вақтинчалик қийинчиликларга чидай олмаслик, бойликка ружу қўйиш — касбга хиёнатдир. Давлатимиз бизни ўн йил мактабда, 4—5 йил олий илм даргоҳларида бепул ўқитиб-тарбиялаб, вояга етказди. Қўлимизга олий маълумотли педагог сифатида диплом берди, биз бу билан йиллар бўйи фахрландик. Ана шу орқали фарзандларимизни уйли-жойли қилдик, тўй-томошалар ўтказдик, орзу-умидларимизга етдик.

Энди-чи? Эрта-индин ўтиб кетадиган қийинчиликларга бардош бера олмасдан, бозори-қўйда чет эл сақичини, ширасини, хотин-қизлар ички куйлагини, болалар кийимларини сотиб ўтирган касбдошларимизни кўриб ачинасан киши. Уларга раҳминг келади.

Кечагина ўз ўқитувчисига атаб мадҳия ёзган ўқувчи қиз ёки йигит энди ўз фарзандига ана шу устози қўлидан сақич сотиб олиб бераётганини қандай баҳолаш мумкин? Ахир, бу савдо-сотиқ соҳасида шуғулланувчи кишилар етарли эканлигини наҳотки биз — педагоглар билмасак. Бу ҳам майли-я, даллоллик қилаётган, кимошди савдоси ўтказаётган ўқитувчи ҳамкасбларимизнинг иши бундан ҳам ортиб тушмоқда. Улар мўмай пул топиб келгач, эртаси куни яна мактабда ўз дарсларини ўтаверадилар. Ахир, улардан ўқувчилар қандай қилиб ибрат оладилар? Ўз устида ишламаган педагог узоққа бора оладими? Давлатимиз биз — ўқитувчиларнинг маошларини ўз зиммасига олиб, ошириб бормоқда. Қатор имтиёзлар, қулайликлар бериб қўйибди. Келгусида ўқитувчиларга янада ғамхўр бўлиш тадбирларини кўрмоқда. Йиллар ўтиб, бозор иқтисодиётига ўтишдаги қийинчиликлар унут бўлгач, ўқитувчининг меҳнати янада қадр топади, обрўси ортади. Ана шунда ҳозир ўзини бозорга урган ҳамкасбларимиз ўзларини қандай тутишаркин?

Ҳеч кимга сир эмаски, дунёнинг турли бурчакларида қонли жанглар кетаяпти, одамлар қурбон бўлаяпти, турар жойлар, жумладан, мактаблар вайрон бўлаяпти. Бизда ҳозир тинч, осуда ҳаётку! Бутун мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар, яратувчилик меҳнати авж олиб кетди. Шундай экан, биз — педагоглар ана шу ободончилик ва бунёдкорлик ишларига, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Президентимиз И. А. Каримовнинг яқинда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарияти, бошқарув аъзолари билан бўлган учрашувида ёш авлод тарбияси билан астойдил шуғулланиш лозимлиги хусусида куюнчаклик билан айтган сўзларидан кейин биз қўлга қалам олиб ушбу сатрларни битишга қарор қилдик. Нега деганда, таълим ва тарбия учун, энг аввало, биз — муаллимлар жавобгармиз.

Исоқ МАМАРАҲИМОВ,
Мехри РАВШАНОВА,
Челак туманидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчилари.

Илғор тажриба

РИМЛИК ПРОФЕССОР 120 ТИЛНИ БИЛАДИ

Ҳозир кўпчилик ота-оналар фарзандларининг бирор чет тилини ўрганишларини исташади, шунга ҳаракат қилишади. Чилонзор туманидаги инглиз тилини мукаммал ўрганиш учун 178-лингвистик гимназия мактабида ана шу имкониятлар бор. Бу даргоҳда 1467 ўқувчи ўқиб, уларга 102 нафар юқори малакали ўқитувчилар таълим беради. Ўқиш жараёни ўқувчиларнинг қобилияти ва ўзлаштиришларига қараб, умумтаълим, махсус ва гимназия синфларида олиб борилади. Натижалар ҳам мақтаса арзигулик.

— Мактабимизнинг обрўэътибор топишида, - дейди мактаб директори Дилором Солиева, - эришган ютуқларимиз асосида энг аввало жонкуяр ва тажрибали ўқитувчиларимиз туришади. Т. Вострикова, Н, Усова, М. Отажонова, К. Романова шулар жумласидандир. Уларнинг меҳнатлари туфайли ўқитувчиларимиз ҳар йили химия, инглиз тили фанларидан ўтказиладиган Республика олимпиадаларида биринчиликни олиб келишади.

Инглиз тилини яхши билган ўқувчиларимиз Фарҳод Сагатов, Темур Бобоев, Настя Авдонина эса Америка мактабида бир йил ўқиб келишди.

Эришган ютуқларимизнинг яна бир жиҳати шундаки, биз ота-оналар билан алоқани яхши йўлга қўйганмиз. Улар ўқувчиларимизнинг барча фанлардан аъло баҳоларга ўзлаштиришларида бизга яқиндан ёрдам беришади. Хуллас, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч булган жойда барча муаммоларни ҳал қилса булади.

— Баъзида ўқитувчиларга қийин ҳам бўлади, — дейди самимият билан 4-«А» синф раҳбари Муқаддас Отажонова, - чунки бир синфда дейлик, ўттиз ўқувчи бор. Бу дегани уларнинг ҳар бирига индивидуал йўл топа олиш, уларни қовуштириш, хатти-ҳаракатини, қобилиятини ўрганиш керак бўлади. Мана шу ерда ота-оналарнинг ёрдами бизга жуда асқотади. Улар фарзандларининг фъол ва одатлари, қобилият даражаси ҳақида олдиндан ахборот бериб, мушкулимизни осон қилишади. Шу боис ўқувчиларимиз билан осон тил топишамиз.

Қолаверса, ўқув даргоҳимиз гимназия бўлгани учун ҳам ўқитувчилар, ота-оналар ва болалар ўртасида масъулият, талабчанлик ҳисси бор. Ягона мақсад ўқувчиларимизнинг пухта билим эгаллашларига қаратилгандир.

Римлик профессор Карло Тальявини бугунги кунда 120 тилни билади. Ў ун икки ёшида етти тилни, 22 ёшида 15 та тилни, ҳар йили 2-3 янги тилни ўрганиб борган. Бутун жаҳон лингвистик конгрессида 50 тилда табрик нутқини сўзлаган. Бу ҳайратомуз мисолни бизга олий тоифали инглиз тили ўқитувчиси Валентина Шахова сўзлаб берди. Болаларимизни инглиз тилини иштиёқ билан ўрганишларини кўриб завқим ортади, - дейди муаллима.

— Муҳими шундаки, улар юқори баҳо олишга эмас, тилни мукаммал ўрганиб, эркин сўзлаша олишга ҳаракат қилишади. Ўқиш ўқувчиларимизнинг ўзлаштиришларига қараб, уч гуруҳга бўлинган ҳолда олиб борилади. Биз улар билан инглиз тилида тез-тез турли кеча ва байрамлар ҳам ўтказиб турамиз. Мана яқинда Англия мактабларига хос бўлган «Шайтонлар байрами»ни ўтказдик. Бунда ҳамма хурсанд бўлди. Мен ҳам ота-оналаримиз ва мактаб маъмуриятидан жуда миннатдорман. Уларнинг ёрдамида синфимизни керакли кўргазмали қуроллар, плакатлар ва расмлар билан таъминладик. Бу эса тил ўрганишда жуда муҳимдир. Ўқувчиларимиз яна немис, француз тилларини ҳам ўрганишади. Менинг уларга ҳавасим келади, Ҳа, тил билган - эл билади, эл билган жаҳонгаштадир.

Т. СОЛИЕВА.

Суратда: иккинчи тоифали ўқитувчи Муқаддас Отажонова — 4 «А» синфида табиатшунослик дарсида.

Суратқаш: Р. АЛЬБЕКОВ

Мактабшунослик масалалари

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ФАОЛЛИК ДЕГАНИ

Педагог ходимларнинг илмий дунёқараши савияси, маданияти ва умумий билими асосан мустақил таълим олиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун биз малака оширишнинг асосий шаклларидан бири мустақил таълим олишдир, деб даддил айта оламиз. Фикримизча, ўқитувчи ва тарбиячилар, мактаб раҳбарлари, халқ маорифи бўғинлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар ходимларининг мустақил билим олишларида ўқитувчилар малакасини ошириш институтларидаги курслар, олий ўқув юртлари ҳузуридаги мактаб раҳбарларининг малака ошириш факультетлари, педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, халқ университетлари, маданият уйлари, музейлар, кутубхона ва бошқа муассасалар муҳим марказ бўлиб хизмат қилади. Бундай жойларда мустақил таълим олиш учун имконият мавжуд.

Ҳар бир ўқитувчи, тарбиячи ёки умумий таълим мактабининг раҳбари ўзининг бу борадаги ишини ташкил этишда мустақил таълим олишнинг тамойилларига амал қилиши керак. Улар нималардан иборат?

Мустақил таълим олишда унинг илмий-назарий, методик, умумий педагогик ва психологик йўналиши қамраб олиниши зарур. Эркин танлаш бўйича аниқ мавзу, мақсад ва режа олдиндан белгилаб олинади. Мавзу танлашда умуммактаб (шаҳар, туман халқ таълими бўлимининг) муаммосидан келиб чиқиш тавсия этилади. Ўз устида мустақил таълим олувчига тўкис шароитнинг яратилиши ҳам муҳим шартлардан бири. Малакани оширишнинг ижчиллиги ва давомли бўлиши бу шартни таъминлайди.

Ўқитувчи ва мактаб раҳбарининг мустақил таълими тушунчасида соҳага оид янги педагогик технология усулларини қўллаши ҳақида қайғуриш талаб этилади. Бу мураккаб ва кўп қиррали ишга ҳар томонлама ёндашилган тақдирдагина педагогик кадрларнинг сифат таркибида ўзгаришлар ясаш мумкин.

Ўқитувчи ва мактаб раҳбарларининг мустақил таълими ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Бу таълимнинг янги йўналишлари, энг самарали метод ва усулларини қидириб топиш керак. Уни такомиллаштиришда методик марказлар, халқ маорифи бўғинлари, малака ошириш факультетлари, шунингдек, мактаб директорлари астойдил шуғулланишлари лозим.

Табиийки, ҳар бир ўқитувчи ва мактаб раҳбари малака ошириш тизимига ўзининг қандайдир бирор ҳиссасини қўшади. У бу ишнинг бир қатор усулларини маъқул кўрса, бошқасини рад этиши ҳам мумкин. Баъзан шундай далилларга ҳам дуч келинадики, ўқитувчи ёки мактаб раҳбари мустақил таълим олиш борасида ҳеч кимга эргашмасдан намунали иш қилаётган, самарали усулларни қўллаётган, ибратли тажриба орттирган бўлади. Бундай маорифчилардан, албатта, ўрнак олса арзийди. Мактаб директорлари, халқ маорифи бўғинларининг инспектор ва методистлари, малака ошириш институтларининг ходимлари, мактаб методик бирлашмалари бундай илғор тажрибаларни иччил ўрганишлари ва уни кенг ёйишлари лозим.

Мактаб раҳбарлари ўқитувчиларнинг мустақил таълим олишига доимо кўз-қулоқ бўлиб туришлари керак. Ўқитувчи ва тарбиячилар ўзлари танлаган мавзу бўйича сўзга чиқишади. Суҳбатлар ўтказиш, ахборотлар тўплаш, адабиётлар устида фикр юритиш мустақил таълимнинг усулларидир. Услубий бирлашма йиғилишларида, мактаб педагогик ўқишларида, илмий-амалий анжуманларда, педкенгаш йиғилишлари ва шунинг сингари тадбирларда ўқитувчиларнинг фаол иштирок этишлари ўқитувчилар дунёқарашини кейгайтиради.

Мустақил таълимни намунали йўлга қўйган кўпгина мактаблар бу борада яхши тажриба тўпламоқдалар. Хусусан, Тошкент шаҳридаги 41, 59,84 ва 243-мактабларда, Фарғона шаҳридаги 1, 2, 6, Қува туманидаги 1, 5, 10, Андижон шаҳридаги 3, 6, 8, 36-мактабларда ўқитувчи-тарбиячиларнинг мустақил таълим олиши мақтовга сазоводир.

Мактаб раҳбарларининг ўқитувчилар билан бот-бот суҳбатлашиб туришлари ҳам мустақил таълимга раҳбарлик ва назорат қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Республикамизда бир қатор мактаб раҳбарлари ўз фаолиятларида бу муҳим масалага жиддий эътибор бермоқдалар. Бунга мисол қилиб, Қўқон шаҳридаги 27-ўрта мактабни кўрсатиш мумкин.

— Биз бундай суҳбатларни ўқув йилининг бошида, биринчи ярим йил охирида ва ўқув йилининг охирида (сентябрь, декабрь ва май ойида) ўтказамиз, — дейди мактаб директори ўрток Б. Мирахмедов — Суҳбатда ўқитувчи ва тарбиячилар ўз материаллари билан иштирок этишади. Мазкур суҳбатнинг графиги умуммактаб бўйича тузиб қўйилади. Ўқитувчилар тўрт гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳ билан мактаб директори, иккинчи гуруҳ билан илмий бўлим мудири, учинчи гуруҳ билан синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси, тўртинчи гуруҳ билан мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти бўйича методик бирлашма раиси шуғулланади. Улар билан тегишли суҳбатларни олиб боради. Шуниси қувонарлики, ўқитувчи, тарбиячи кадрларнинг мустақил таълими бўйича ўқув йилининг 1-ярмида илмий-методик ҳарактердаги анжуман қишки таътилда, бир йиллик якуни бўйича эса мактаб доирасидаги педагогик ўқишларда (июнь ойида) ўтказилади.

Маакур педўқишларда жюри хайъатининг қарори ва тавсияси билан туман педагогик ўқишларига маърузачиларнинг номзодлари ва уларнинг маъруза мавзулари тавсия этилади.

Мактаб директорининг фикрича, раҳбарият бутун ўқув йили давомида ҳар бир ўқитувчи, синф раҳбари ва тарбиячи билан шахсан суҳбатлашиш, унинг мустақил таълим бўйича дастур ва режаларни қандай бажараётганликларини билиш имконятига эга бўлади.

Умуман, мактабнинг таълим-тарбия бобидаги муваффақиятини ўқитувчилар таъминлайди. Унинг билим ва маҳорати ошиб бориши эса узлуксиз мустақил таълим олиши билан тамоман боғлиқ. Модомики шундай экан, ҳар бир мактаб раҳбари, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимининг назоратчи методистлари бу муҳим масалага эътиборни янада кучайтиришлари лозим.

Мирқобил МИРҚОСИМОВ,
А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ мактабшунослик кафедраси мудири.

Иқтисод сабоқлари

МАРД КЕТАЙЛИК

(Маркетинг)

Китобча ҳолида чоп этишга мўлжалланган ушбу рисоланинг муаллифи Акбар Юнусов. Унинг бозор иқтисоди ҳақидаги «Бойишни истасанг» китобини, эҳтимол, ўқигандирсиз. Муаллиф содда тил ва ҳикоятлар орқали бозор оламига — иқтисод қонун ва қоидаларини мантиқ асосидан келиб чиқиб тушунтиришга, ўз ўтмишимиз — ота-боболаримиз ҳаётини тасвирлаб бериш орқали иқтисодий масалаларнинг баъзи қирраларини талқин этишга ҳаракат қилади. Мазкур китобнинг давоми «Бозорсиз бойиб бўлмас», «Мард кетайлик» рисолаларида ҳам ана шу мақсад кўзда тутилган.

Республика Таълим маркази иқтисодий таълим бўлими бошлиғининг муовини Ф. Собировнинг Акбар Юнусов қўлёзмаларига тақризида «Рисола оммабоп, жуда таъсирчан ва содда битилган» деб қайд этилади. Шунингдек, тақризда ёзилишича, муаллифнинг илтимосига кўра РТМда тажриба ҳайъати ташкил қилиб, тижорат дарсликларини янада камолатли ва баракали этиш кўзда тутилган. Мақсад ўқувчи ва ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини олиш ҳамда шу асосда рисолаларни қайта ишлаб, нашр қилиш, китобга мактаблардан, вилоят халқ таълими бошқармаларидан буюртмалар олишидир. (Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 80-уй).

Газетамизда «Мард кетайлик» рисоласидан парчаларни ўқиб, рисола моҳиятини англаб етасиз деган умиддамиз.

САҚИЧ МИЛЛИОНЕР

Нега сақич миллионер? Чунки, маркетинг мавзуси сақичга ухшаган ҳамма чайнайди ва орзу қилади, миллионер бўлсам дейди.

Марҳамат, аввал сақич ҳақида. Сақични минг йилдан бери чайнашади, охири чарчашади-да деворга ёпиштириб, яна олишади. Қадимда шунақа сақич сотганлар ҳеч ҳам миллионер бўлишмаган. Ҳовуз бўйида опам ва унинг дугоналари дўппи тикиб, сақични чунон қарсиллатиб чайнар эдиларки, пақ этганда тол устидаги қуш ҳам чўчиб, эсанкираб қоларди. Оғзи билан пуфак қилишда ҳозирги қизлардан қолишишмасди. Лекин катталар билан гаплашганда оғиздан сақични олишарди. Бурнининг тагигача пуфак қилмасди. Тарбияда демократия шунақароқ эди...

Ҳисобланг, кунига нечта одам сақич сотиб олади? Йигирма уч миллионли Ўзбекистонда ёнига бутун Туркистонни қўшиб ҳисобласак борми, вой-бу, бу одамларнинг ҳар бештасидан биттаси сақич сотиб олса борми?..

Бу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва олди-сотиси билан шуғулланган одам йил ўтиб миллионер бўлиши аниқ.

ТАҲЛИЛ БЕКАТИ

Миллионер бўлдингизми, йўқ. Миллионер — бу назария. Аслида амалда бой бўлиш керак. Маркетингни англаш учун аввал оддий ҳисоб керак, холос: кимга нима, қанча ва қачон керак? Эҳ-ҳе, оддий экан-ку! Ундай бўлса, менга видео, отамга енгил машина, бувимга кашмир рўмоли, укамга велосипед...

Афсус ҳеч ким текинга ҳеч нарса бермайди-да! Ҳафсалангиз пир бўлса, мен айбдор эмасман... Боболар айтганидек, азонда туриб яхши ният қиласиз ва мияга шу фикрни қўясиз: «Камбағал эрта билан туриб нима ейман, нимани кияман», — дейди. «Бой эса не иш қилсам, нима топаман», — дейди.

Маркетинг оламига кирмасдан олдин унинг талабини билиш керак. Халқимизда «Даромадга қараб буромад» деган нақл бор.

БУРОМАД НИМА?

Ақлни бурайлик. Маркетингда икки мезон бор. Бири даромад — қанча пул ишладик. Пулни иложи бўлса, бурнини қонатмасдан фойда — омад келадиган тарафга йўналтирамиз. Ана шу йўналтириш буромад.

Оламда бойлар узларига қурумсоқ, қизғанчиқ, хасис, томизмайдиган, юқтирмайдиган каби иллатларни таққанлар. Улар қандай қилиб бойлик орттиришни, бойликнинг пайдо бўлиши сирларини, қонунларини билганлар ва шунга амал қилганлар.

Мен шундай бойларни биламан, қуллари жуда кам очилади, гоҳида эса хасис. Сабаби, улар йиғган ва ишлаётган сармояларини эмас, балки фойдасини рўзғорга ишлатадилар. Фойда тушмаган кун қозонда кечаси палов эмас, шилдир шўрва қайнайди. Ҳатто, сармояси кўп бўлса ҳам.

ДАРОМАД НИМА?

Оллоҳ берди, омад келди, экилган ғалла баракали бўлди, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот... Илтимос, бу пул эмас, балки маҳсулот.

Чет мамлакатларда бу соҳада жуда катта муваффақият ва ютуқларга эришганлар...

Давлат киши бошига қанча маҳсулот ишлаб чиқаришни жуда яхши билади ва уни режалайди. Эсингиздан зинҳор чиқмасин, давлат раҳбарлари, олимларгина эмас, балки ҳамма фуқаролар бу ишга бош-қош. Масалаан, киши бошига қанча ғалла етиштирилди. Ғалла етарлими — Оллоҳга минг қатла шукр! Мабодо етмаса, ғаллани четдан олиш керак. Оч хазина сандиғини! Туплаган бойлигингни бер!..

Ғалла текинга келмайди, устига транспорт, йўлкира, давлат солиғи, яна қанча одамлар овора, яна харажатни демайсизми?

«Пул бўлса чангалда шўрва», дейди баъзилар. Бироқ еб ётганга тоғ чидамайди?!

Биз соддароқмиз, ҳаёт эса мураккаб, бойлик пул эмас. Яна қайтарамиз: маркетинг «бисмиллоси» — маҳсулот! Маркетинг шаклда пул бўлса ҳам, мазмунида маҳсулотдир.

Нега шундай? Чунки, маҳсулот кўпайса, пулнинг қадри ўзгаради. Пул маҳсулотнинг соясидир.

Тарихдан маълумки, бир вақтларда пул кўпайиб, одамлар бир халта пул билан бозорга тушиб, ярим халта маҳсулот харид қилишарди. Ҳамма ярим оч, юпун, аммо миллионер бўлган пайтлар эди. Аксинча, эшитганмиз, 1904 йилларнинг бошларида бозордаги энг семиз қўй икки сум эди. Соғлом сигир бузоғи билан беш сум эди. Тарих шоҳид, хумлар тиллага тўла, аммо нон йўқлигидан, очдан ўлганлар ҳам бўлган.

МАРКЕТИНГНИНГ МАЗМУНИ

Америкаликлар Англияга келганларида лондонлик бойлар мақтанишган:

— Бизлар олтиндан улкан майдонни урайдиган қалин ва баланд девор қура оламиз...

— Сизлар қуринглар, биз уни сотиб оламиз, — деб бамайлиҳотир жавоб беради америкаликлар...

Америкаликларнинг бойлиги — маҳсулот. Шу маҳсулот уларни тиллаларни сотиб олишга қодир қилган. Ҳа, шундай!

Табиатга қаранг, ҳар йили ҳосил бераётган ер олтин оқиб турган ариқни эслатади. Ҳосил бермайдиган дашт ва саҳролар эса қуриб қолгандек.

Маркетингда бой бўлишни истаган инсон унинг қонуни бўйича, ҳатто хоҳламаса ҳам савобли иш қилади. Ҳайрон бўлманг. Маркетингнинг мақсади инсон муҳтожлигини йўқотиб, камёб молни арзонлаштиришдир. Оддий мисол. Биз юқорида тилга олган «сақич миллионери»ни олайлик. Мабодо шундай инсон топилиб ўзимизда сақич ишлаб чиқарса борми, четдан олиб келинаётган сақичнинг пули ташқарига чиқиб кетмайди. Давлат хазинасида пул кўпаяди. Шундан сунг тақсимот арзон бўлади. Ахир, йўлкира, чегаралардаги солиқлар сарф бўлмайди. Маҳсулотни ўзимиз ишлаб чиқарсак, одамлар иш билан таъминланади, маош олади... Хуллас, сақич ишлаб чиқариш кони фойда, уни ишлаб чиқарган бой бўлади, шубҳасиз. Шу билан бирга бошқалар ҳам, иқтисод тилида айтганда, истеъмолчилар ҳам ютади. Камёб мол йўқолади, чет элнинг олдида баъзилар мўлтаймайди. Хорланиб ва зорланиб ўтирмайди (шундайлар ҳам бор-да).

Зукко ўқувчи маркетингнинг мазмунини англаб олди, шекилли. У чиндан ҳам ғирт савобли, халққа ва давлатга, ўзини ҳам эсдан чиқармаган ҳолда фойдали иш.

Маркетингнинг мазмуни маҳсулотдир. Тарихда мисоллар ва ишни эплаган жасоратли мард инсонлар жуда кўп.

(Давоми бор).

Акбар ЮНУСОВ.

Дил изҳори

ҚЎЛЛАРИДА ҲАНУЗ СИЁҲНИНГ ЮҚИ...

Воажаб, ҳаёт узун, беадад сўқмоққа, вақт эса қовоқлари осилган, бешафқат, ўжар сарбонга ўхшайди... Ҳаёт ва узун сўқмоқ! Аслида бу сўқмоқ ичида сўқмоқчалар бисёр. Боши берк кўчалар, тубсиз жарликлар бисёр. Яхшиям орамизда яхшилар бор, ҳаёт кўзгулари бор. Улар бизни бу йўллардан асрайди, ўзимиз билан ўзимизни юзлаштириб қўяди. Биласизми, улар ким? Улар — муаллимлар!

Ким билсин, балки мен Умаржон акани эсламаганимда, бу хил фикрларга бормаган бўлармидим. Ҳа, дарвоқе, сиз Умаржон Одиловни танийсизми? Назаримда ҳикоямиз қаҳрамонини Чилонзор туманида билмаган киши топилмаса керак.

Дарҳақиқат, Умаржон Одилов, мана 25 йилдирки, ёш авлодни тарбиялашдек, (қанча ифтихорли бўлса, шунча масъулиятли!) юмушни елкалаб келаяпти. 1970 йилда Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган Умаржон ака Шайхонтоҳур туманидаги Эминжон Қодиров номли 157-ўрта мактабга ўқитувчи бўлиб ишга келди. Мана, бугун эллик ёшдан эгилмай ўтиб, олтмиш ёшнинг этагини тутмоқчи бўлаётган Умаржон Одиловнинг қўлларини ҳануз бўр билан сиёҳ юқи тарк этгани йўқ.

Мазкур жумлаларни ёзаяпману, доно халқимизнинг бисотидаги ибратли бир нақл ёдимга тушади.

Ота ўғлидан: — Сенинг учун дунёда энг азиз киши ким? — деб сўрабди.

Ўғил:

— Устозим, — дебди.

— Ахир мен отангман-ку, сени йўқдан бор қилган менман, — дебди ота.

— Тўғри, сиз отамсиз, сиз мени йўқдан бор қилдингиз, осмондан ерга туширдингиз. Лекин устозим мени ердан осмонга кўтарди, — деган экан ўғил.

Ҳа, Умаржон ака ҳам ўтган кўп йиллик фаолияти давомида минглаб йигит-қизларни осмонга кўтарди. Уларга ҳаётни, миллат, Ватан тушунчаларини идрок этишни ўргатди. Қизиғи, шундаки, Умаржон Одилов бугун Чилонзор туманидаги 179-мактабда ҳам болаларга дарс беради. Шу билан бирга Умаржон ака кўп йиллардан буён шу тумандаги «Қатортол» маҳалласида маҳалла қўмитаси котиби сифатида ишлаб келаяпти.

Мухтасар гап. Бугун Умаржон Одилов уч фарзанднинг севимли отаси, юзлаб ўқувчиларнинг меҳрибон устози. Биз нима ҳам дердик. Умаржон акани бундан кейинги ҳаётида, ўқитувчилик, жамоатчилик фаолиятларида улкан-улкан муваффақиятлар ҳамроҳ бўлсин!

Алишер НАЗАР.

Мактабгача тарбия муассасаларида

ИБРАТЛИ МАСКАН

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 343-болалар боғчасида кичкинтойлар тарбиясига алоҳида аҳамият берилаётир. Гуруҳ хоналари иссиқ, болалар тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари, турли мевалар ва мева шарбатлари билан етарли таъминланмоқда.

Кичкинтойлар масканида мустақил диёримизнинг бўлажак фуқаросини тарбиялаш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жисмоний тарбия, нафосат тарбиясига катта эътибор берилаётир. Меҳрибон тарбиячилар болаларга ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳақида тушунча бериб, уларни қушларни севиш, табиатга нисбатан муҳаббат уйғотиш руҳида тарбиялаётирлар. Боғчанинг «Табиат бурчаги»да кўплаб турфа гуллар очилиб турибди. Аквариумда балиқлар ва тошбақалар парвариш қилинмоқда. Малика Алимуҳамедова, Мастура Орипова, Ҳадича Собирова, Дилором Мавлонова, Г. Ниғматова сингари тиниб-тинчимас мураббийлар жажжи ширинтойларни замон талаблари асосида тарбиялашга астойдил ҳаракат қилишаяпти.

СУРАТЛАРДА: мусиқа раҳбари Дилором Муҳиддинова бошчилигида болалар «Меҳржон» байрамига ҳозирлик кўришмоқда. Тарбиячи Дилором Мавлонова катта гуруҳда жисмоний тарбия машғулотини олиб бораётир. Тарбиячи Зарифа Худойбердиева болаларга тошбақа ҳақида сўзлаб бераётир.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ҲУЗУРИДА

Сурхондарё вилояти маданият ишлари бошқармаси ташаббуси билан Термиз шаҳридаги чегарачилар ҳузурида Термиз Давлат мусиқа билим юрти ҳаваскорлари «Ватан ҳимоячиларига» номли бадиий дастур асосида катта концерт намойиш қилишди. Концертда Н. Бакаров раҳбарлигидаги бир гуруҳ санъаткорлар, М. Сатторова етакчилигидаги «Дуторчи қизлар» дастаси, А. Нурматова бошчилигидаги «Баянчилар» дасталари томонидан ижро этилган Ватан, она, муҳаббат, садоқат ҳақидаги қўй ва қўшиқлар кўнгилларга қувонч бағишлади.

Ф. ЖУМАЕВА.

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ УЧРАШУВИ

Поп тумани марказий кутубхонаси Наманган вилоятининг навбатдан ташқари сессиясида республикамиз президенти И. А. Каримовнинг сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган туман маданият ходимларининг учрашуви бўлди. Учрашувда туман кутубхона раҳбари Муҳаббат Абдумаликова маданият соҳаси бўйича йўл қўйилаётган камчиликлар, уни бартараф қилиш ва бу соҳа бўйича келгусида қилинадиган ишлар ҳақида маъруза қилди. Учрашув қатнашчилари ўзларининг келгуси иш режаларини белгилаб олдилар.

С. ЖЎРАЕВА.

МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ВА УНИНГ ТУРКИСТОНЛИК ГУЛТОЖЛАРИ

Мусулмон шарқи илмий марказлари — академиялар ва мактабларнинг жаҳон маданияти ва фани, айниқса, математик фанлар соҳаси ривожига қўрсатган таъсири ва умуминсоний қадриятлар хазинасига қўшган салмоқли ҳиссасини адолатли илмий-тарихий баҳолаш бугунги давр талабларидан бири бўлиб қолмоқда. Профессор, фан тарихи олими А. П. Юшкевич «Ўрта асрлар математикаси тарихи» асарида ўрта аср мусулмон мамлакатларидаги математика тараққиётини сезилмас даражада биридан иккинчисига ўтувчи уч даврга бўлади. Бу даврларнинг ўз илмий марказлари — Бағдодда Яҳъё ибн Абу Мансур, Муҳаммад Мусо ал Хоразмий раҳбарлигидаги «Донишмандлар уйи» ёки Маъмун-I академиячси, Хоразмда Абу Райҳон Беруний раҳбарлигидаги Маъмун-II академияси, Мароғада Насриддин Тусий раҳбарлигидаги мактаб, Самарқандда Улуғбек академияси ва бошқа қўплаб шаҳарларда илмий мактаблар мавжуд бўлган. Уларнинг илм-фан ривожида тутган ўринлари катта. тарихий аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда, ўрта асрнинг дастлабки Мусулмон Шарқ фанлар академияси бўлган Бағдоддаги Маъмун академиясининг ташкил қилиниши, математик фанлар соҳасида эришилган баъзи ютуқлар ва академиямизда фаолият кўрсатган Марказий Осиё олимлар ижодига қисқача тухтаб ўтишни лозим топдик.

Арабларнинг ҮII аср охири ҮIII аср бошларида Марказий Осиё, Олд Осиё ва Шимолий Африка ерларида олиб борган кўп йиллик урушлари натижасида Помирдан Атлантика океанигача бўлган худудда улкан халифалик тузилди. Халифаликнинг пойтахти Уммавийлар даврида (661 йилдан) Дамашқда эди. Аббосийлар сулолосининг иккинчи халифаси ал-Мансур (754-775) 762 йилда Ироқда Бағдод шаҳрини барпо қилдириб, пойтахтни шу ерга кўчирди.

Халифаликдаги илк илмий изланишлар Дамашқда бошланади. Бу даврда Сурия ва Эроннинг йирик илмий мактаблари бўлиб, уларда кўпроқ Византиядан қувғин қилинган олимлар йиғилган эдилар. Улар кўплаб юнонча китобларни сурён тилига таржима қилганлар. Халифаликнинг пойтахти Бағдодга кўчгач, у ер тезда биринчи йирик илмий марказга айланди. Халифалардан ал-Мансур ва Хорун ар-Рашид (786-809) табиий фанлар ва математиканинг ривожланишига хайрихоҳ эдилар. Хусусан, ал-Мансур ўзи билан Дамашқдаги олимларни Бағдодга олиб келган бўлса, Ҳорун ар-Рашид даврида эса йирик кутубхона очилган ва унга ҳатто Византиядан китоблар келтирилган. Бундан ташқари, Бағдодда бошқа ўнлаб кутубхоналар, ўз даврининг олий ўқув юртлари ҳисобланган мадрасалар ва бошқа ўқув муассасалари ташкил қилинган. Бунда кўплаб таржимон олимлар ва ҳаттотлар юнон ва сурён тилидаги илмий асарларни арабчага таржима қилиш ҳамда нусха кўчириш билан банд бўлганлар. 813 йил халифалик лавозимига халифа Хорун ар-Рашиднинг Хуросондаги ноиби-ўғли Маъмун ар-Рашид (813-833) ўтиргач, у ўзи билан Бағдодга Хуросондаги ноиблик пойтахти Марвдан кўплаб сарой олимларини ҳам олиб келди. Кейинчалик бу олимлар Шарқда «алмаровиза» — яъни «марвликлар» номи билан машҳур бўлганлар. Ҳалифа ал-Маъмун «дамашқлик»лар ва «марвликлар»ни «Байтул ҳикмат» деб аталган ва кейинчалик Маъмун академияси номи билан машҳур бўлган илмий марказга бирлаштирди. Маъмун академиясида кўплаб олимлар, таржимонлар ва ҳаттотлар хизмат қилганлар. Уларнинг кўпчилиги Марказий Осиё ва Эрондан келган олимлар эди. Фан тарихи олимлари Ю. Рушк таъкидлаганидек, ҳамда Ҳ. Зутер томонидан тузилган математик ва астрономлар руйхатида келтирилганидек Маъмун академияси олимларининг кўпи Хуросон, Мовароуннаҳр, Баҳрия ва фарғоналиклардир. Демак, Маъмун академиясида олиб борилган илмий изланишларни асосий қисми асли Марказий осиёлик бўлган олимларга тегишли бўлган.

Маъмун академиясининг фан оламида эришган ютуқларидан бири шуки, улар юнон, ҳинд ва эрон тилларидаги кўплаб табиий-илмий ва фалсафий асарларни араб тилига таржима қилишиб, уларга шарҳлар ёзганлар. Уларнинг бу таржима ва шарҳлари туфайли қадимги юнон олимлари Афлотун, Аристотел, Гиппократ (медик), Птолемей, Архимед, Евклид, Гален(Жалинус), пергаялик Аппоний, самослик Аристарх, Менелай, Диофант, Теофраст, Прокл ва бошқалар, ҳинд олимлари Брахмагупта, Ариабхата, Бхаскара - I кабиларнинг ишлари бизгача етиб келди. Академия ҳаттотлари эса бу таржималарни кўпайтириб, турли кутубхоналарга янгидан-янги кашфиётлар ва илмий изланишлар қилишга ундаган. Хусусан, юнон, ҳинд ва эрон олимларининг математика, астрономия ва математик-географияга оид асарларининг таржимасидаги хулоса ва турли жадвалларни текшириш мақсадида, академия қошида 828 йилда Бағдоднинг аш-Шаммасия маҳалласида биринчи расадхона, 831 йилда эса Дамашқ яқинидаги Косиюн тоғида аш-Шаммасия расадхонасининг филиали ҳисобланган иккинчи расадхона қурилди. Кейинчалик расадхоналарда кузатиш ва текшириш учун янги астрономик асбоблар-мураккаблашган устурлоб, Ой тимпани, тутилиш диски кабиларни яратишди. Улар бу асбоблар ёрдамида ер меридиани бир даражаси узунлигини, эклиптикани экваторга оғишини, фазовий ёритқичларда бўладиган турли ҳодисалар (Қуёш ва Ой тутилишлари кабилар)ни, уларнинг харакатлари ва сферик координаталарини аниқлаганлар.

Маъмун академиясида турли мақсадларда илмий экспедициялар ҳам ташкил килинган. Жумладан, фан тарихи олимлари Солиҳ Закий, Сальеларнинг берган маълумотларига кўра, биргина Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий бошчилигида учта илмий экспедиция 830 йилда Ғарбий Ҳиндистонга (ҳозирги Шарқий Афғонистон); Византияга; Волганинг қуйи оқимига уюштирилган. Бизнингча, Хоразмий биринчи экспедициясида бутун дунёга «араб рақамлари» деб аталган ҳинд рақами ва ҳисоблашнинг ўнли позицион саноқ системаси ҳақидаги маълумотлар билан танишган ва кейинчалик буни илмий таҳлил қилган ҳолда ўзининг «Ҳисоб ал-Ҳинд» (Ҳинд ҳисоби) номли арифметик асарида акс эттирган.

Маъмун академиясида нафақат илмий изланишлар, балки янги илмий ходимларни тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор берилган. Масалан: Ибн ал Қифтининг хабар беришича, халифа ал-Маъмун Мусо ибн Шокир ўлгач, унинг уч ёш ўғиллари (Муҳаммад, Аҳмад, Ҳасан)ни «Байтул ҳикмат»га бириктирган ва Яҳъё ибн Абу Мансурга эса уларга илм-фандан таълим беришни топшириган. Кейинчалик «Мусонинг ўғиллари» математик фанлар соҳасида катта ютуқларга эришиб, машҳур олимлар бўлиб етишдилар. Яна шуни таъкидлаш лозимки, Маъмун академиясидаги барча олимларга, турли йўналишдаги илмий-ташкилий ишлар (кутубхоналар ташкил қилиш, расадхона ва мадрасалар қуриш, кузатиш ва экспедиция)га янги илмий ходимларни тайёрлашга кетадиган барча сарф-харажат давлат хазинасидан маблағ билан мунтазам таъминланиб турилган.

Энди Бағдод академиясида илмий фаолият кўрсатган баъзи Марказий осиёлик олимлар ва уларнинг математик фанлар соҳасида эришган ютуқлари ҳақидаги қисқача маълумотларни келтирамиз:

1) Абу Али Яҳъё ибн Абу Мансур (тах. 830 йилларда вафот этган), Марвда туғилган. Дастлаб у Маъмуннинг вазири хизматида мунажжим бўлган. Вазир 818 йилда ўлдирилгач, у исломни қабул қилиб, халифа ал-Маъмун хизматига ўтади. Бағдод расадхонасини ташкил қилиш ва бошқаришга раҳбарлик қилган. Византия (Рим)га қилинган экспедиция вақтида ҳақида рисола», «Суратул-Арз», «Устурлоб билан амал тутиш ҳақида китоб» номли асарлари.

3) Холид ибн Абд ал-Малик ал Марваррудий (тах. IX асрнинг биринчи ярмида яшаган). Маъмун академиясининг Бағдод ва Дамашқ расадхоналарида астрономик кузатишларда иштирок этган. «Маъмуннинг текширилган Зижи» номли асарнинг муаллифларидан бири.

4) Ал-Аббос ибн Саид ал-Жавҳарий (тах. IX асрнинг биринчи ярмида яшаган) Форобда туғилган. Халифа ал-Маъмун даврида Бағдод ва Дамашқ расадхоналарида ишлаган. У «Евклиднинг «Негизлар»и асарининг бешинчи китобига қўшимча», «Негизлар»нинг мукаммаллаштирилган китоби», «Евклиднинг китобига қўшимча шарҳ», «Евклид «Негизлар»ининг биринчи китобига қўшимча жумлалар китоби» каби математик, «Ер марказидан Қуёшгача бўлган масофани аниқлаш ҳақида», «Маъмуннинг текширилган Зижи» каби астрономик асарларининг муаллифидир. У Мусулмон шарқида параллеллик назариясини биринчи бўлиб талқиқ қилган олимлардан ҳисобланади.

5) Аҳмад ибн Абдуллоҳ Ал-Марвазий (тах. 770-864 йиллар) Академияда Хабаш ал-Ҳосиб (Ҳосиб — арабчадан узбекчага таржима қилинса, «ҳисобчи» дегани) тахаллуси билан машҳур бўлган. Бағдодда халифалар ал-Маъмун ва ал-Муътасим даврида ижод қилган. 825-835 йилларда Эроннинг Санжар текислигидаги ер меридианининг бир даражасини ўлчашда, Бағдод ва Дамашқ расадхоналаридаги астрономик кузатишларда иштирок этган. «Узаро уринувчи уч айлана ва уларнинг боғлиқлиги», «Қиблани аниқлаш ҳақида» каби математик ва кўплаб астрономик асарлар муаллифидир. Унинг астрономик асбобларга оид бўлган рисолалари ҳам мавжуд. У математиканинг тригонометрия соҳасида катта ютуқларга эришган, яъни биринчи бўлиб косеканс функциясидан фойдаланиб, унинг учун бир даража оралатиб жадвал тузди. Бу эса уша вақтда бўлишни кўпайтиришга алмаштириб ҳисоблашни енгиллаштиришга олиб келди.

6) Абул-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний (тах. IX аср ўрталарида яшаган) Фарғонада туғилган. Академиянинг Дамашқ расадхонаси ва Мисрда илмий тадқиқотлар олиб борган. 861 йилда Қоҳира яқинидаги Рауда оролига Нил дарёси сувини ўлчайдиган асбоб ўрнатган. Фарғоний кўплаб астрономик асарлар ёзган. Улардан энг машҳури «Юлдузлар илми элементлари ҳақида китоб» деб номланади. Бу асар лотин тилига таржима қилиниб, XYI асргача Европа университетларида қўлланма сифатида фойдаланилган. Ҳозирда бу асарнинг ўзбекча таржимасини нашр қилишаяпти. У астрономик асарларида сферик астрономияни чуқур илмий таҳлил қилади. Европада эса «Альфраганус» тахаллуси билан машҳур.

7) Абу Фазл Абд ал-Ҳамид ибн Васъи ибн Турк ал-Хутталий. У тахминан IX асрнинг биринчи ярмида яшаган, Хоразмий билан Маъмун академиясида ишлаган. Унинг тахаллусига келсак, баъзи манбаларда Жилий (Жил, Жилон ёки Ғилон ҳозирги Каспий денгизининг жанубий-ғарбий қирғоғидаги бир туман, бош шаҳри Решт) тарзида, баъзиларда эса Хутталий (Хутал — ҳозирги Тожикистон ғарбидаги Хатлон вилояти) тарзида, бошқа бир манбаларда эса Жибилий тарзида берилган. Тахаллусдаги бу кўп хилликлар унинг арабча матндаги нуқтанинг ҳолати билан боғлиқ.

Ибн Турк ал-Хутталий ўз даврининг моҳир ҳисобчиси бўлган ва арифметика, алгебрага доир қўйидаги асарларни ёзган:

1. Алжабр вал-муқобала амаллари ҳақида китоб;
2. Арифметикага доир тўплам;
3. Муомала китоби;
4. Сонларнинг хоссалари ва арифметикадан нодир китоб.

Норқул НОРМУРОДОВ, Мирзо Улуғбек номидаги ТошДУ механика-математика факультети геометрия ва математика тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Талабалар ижодхонасида

КИМ ШЕЪР ЁЗМАС МЕНИНГ ЁШИМДА

Шоир айтганидек, ёшлик — муҳаббатга, гўзалликка, шеъриятга ошно бир фасл. Бу даврда севмаган, гўзалликка қалб очмаган, қўлига қалам тутмаган бирор инсон топилармикан?

Тошкент педиатрия медицина институтида таҳсил олаётган талабалар орасида ҳам қалам бирла кўнгил изҳорини битаётган ёшлар талайгина экан. Кувончлиси, мана шундай ижодкор талабаларни бир жойга йиғиб, улардаги иккинчи истеъдодни ривожлантириш учун институтда «Нишона» тўгараги ишлай бошлабди. Унга шоира Кавсар Турдиева раҳбарлик қилмоқда экан.

Қуйида «Нишона» тўгараги қатнашчилари бўлмиш талабалар ижодидан намуналар берилмоқда.

* * *

Умр деб аталган суқмоқда ётар,
Йилнинг ташвишидан сарғайган япроқ.
Шамол кўп кулсада унинг устидан,
«Ҳаёт гўзалмас» деб ўксимас бироқ.
Гўзалсан деб кўнглин кутарса оқшом,
Сархуш ишонганча тин олар маъюс.
Бечора билмайди совуқнинг қаҳрин,
Шу тун қовжиратиб кетишини куз.
Тонгдачи йўл сокин, қовжираган барг,
Шитирлар баҳордан сўзлар афсона.
Ялангоч дарахт ҳам қолур лол, ҳайрон,
Эрка маликасин кўриб хазона...

Нилуфар ХОЛТОЕВА.

ЁШЛИК

Қалдиргочга айлангим келди,
Фалакларни қумсаб қолди дил.
Сирдошини излаб, сарсон охири,
Шабодага ёрилди кўнгил.
Булутлардан изм сурадим,
Ёмғирларни этиб овунчоқ.
Ёмон кўздан асрасин дея,
Камалакдан тақдим кўзмунчоқ,
Қуёш билан тенглашгим келди,
Шодликларим сочдим ҳар томон.
Ҳилол билан сирлашгим келди,
Тун қўйнига тортиб нур-камон,
Бахт изладим шудринг қалбидан,
Майсаларга тўкилди илинж.
Ҳовучимга сиғмайин кулди,
Гиёҳлардан қизғанган севинч.
Мужгонимдан узилган ҳилқат,
Бойчечакка айланди шу он,
Қир бўйнига тақдим беминнат,
Шухлигимдай беғубор маржон.
Чашмаларга кўмдим ҳисларим,
Туйғулардан ясаб қайиқча.
Юрагимдан думалаб тушди,
Орзуларим — тилла балиқча...

Муаззам ИБРОҲИМОВА.

Қўлларим кетмонни соғиниб кетди,
Бир текис қадамлар кирдими тилга —
Ям-яшил боғларим хаёлдан ўтди,
Далалар соғинчи ёзилди дилга.
Челаклаб сув ташиш йўқ энди бунда,
Сой бўйида кезмоқ гашти ҳам йўқдир,
Юлдузлар чарақлаб ёришган тунда
Учоққа ўт ёқмоқ завқи ҳам йўқдир.
Босиб бугун дилга соғинч ўтини,
Кўк майсалар бағри аро чопгим бор.
Ўртаётир жонни фироқ тутуни,
Жон даламни тезроқ бориб топгим бор.
Кўз олдимдан ўтаётир ушбу он,
Яшил мавжлар ичра кўмилган хонам.
Қизиган тандирга ёпмоқда патир,
Кўзлари йўлимда меҳрибон онам.

Нигора ҲОЖИЕВА.

КУРАШ

Жисмим дўстлар ичида,
Ўйнаб хурсанд кулажак,
Руҳим эса тақводор,
Ёлғиз адо бўлажак.
Сабаб недир билолмай,
Руҳим ичра карахтман.
Жисмим дейди мен модда,
Руҳим дейди — мен аҳдман.
Бу ажойиб курашга,
Нигоҳларим қарар лол,
Жисмим енгармикан ё,
Ёки руҳим устивор.
Жисмим истар сафолик.
Гўзалликни қумсайди.
Руҳим дер: онам ҳақда,
Хотирага чўмсайдим.
Йиллар ичра сабоқлар,
Руҳим қилди енгилмас,
Энди қалбим хотиржам,
Руҳга жисм тенг келмас.

Носир СУЮНОВ.

КЕЛГИЛ, МАЛАГИМ

Кўзларим унутди уйқу нелигин,
Хаёл уммонида сен қилдинг хониш.
Узга гул ишқини қўйламас торим,
Тотлидир муҳаббат ўтида ёниш.
Хаёлим рухсоринг учратган чоғда,
Юрагимни эзар барг каби титроқ.
Қувончлар яқинми, қайғу йироқда,
Қоронғу қалбамга ёқсанг-чи чироқ.
Узинг маҳкум қилган қора зиндонга,
Ўхшайди ёпоқ ҳам, армонли макон.
Хисларим баргларин тўккан хазондан,
Бир-бир одим босиб келмоқда ҳижрон...

Ҳасан ЎСАРОВ.

ОҚ КАПТАР

(Воқеий ҳикоя)

Ҳаммаси ўша, Фурқатларникига шаҳарлик бола келганидан бошланди. У бола олдин ҳам Фурқатларникига келиб турар, маҳалламиздаги каптарбоз болалар уни Жаҳон деб аташарди.

Жаҳон маҳалламиздан қирқ километрча узоқда, шаҳар типидаги Ховос номли посёлкада яшарди. Улардаги қизиқ бир одат кўпчиликка маъқул тушди. Бу одат бўйича иккита ёки учта бир-биридан узоқроқ яшайдиган маҳалла болалари шаҳардан узоқроқ жойга ўзларининг ургатилган каптарларидан олиб боришар, каптарларни бараварига учириб, қайтишар экан. Баъзан шошиб, эси оғиб қолган каптарлар уясини унутиб, қўшни маҳалла каптарларига қўшилиб қолишар, каптар эса каптархонага киргач, янги хўжайинга тобе бўларкан.

Эрталаб Султоннинг:

— Тулқин! Ҳов Тулқин! — деган овозидан чўчиб уйгондим, эриниб ташқарига чиқдим. Тонг ёришиб кетган, Султон, Шерали, Дустбек, Шерзодлар менинг чиқишимни кутиб туришарди.

— Нима гап? Тинчликми? — дедим Шерали ушлаб турган каптарни ола туриб.

— Ўргатилган яхши каптарларинг борми? — деди Дустбек, қўлидаги оқ каптарларни Султонга мақтай туриб.

— Каптарлар тухум қўйиш, жўжа очиш билан банд, — дедим.

— Айни муддао, ўз уясини чет эллдан ҳам топиб келади, — дея гап қўшди боядан бери индамасдан турган Шерзод.

— Эртага «Янгиобод», «Сойдон» маҳаллаларининг болалари билан Шоҳтепага каптар учиришга борамиз. Биз шундай қарорга келдик, — дейишди болалар. Жаҳон айтган гап ўз кучини кўрсаттанини билдим. Эрталаб болаларнинг овози келди. Ҳамма тепаликка шошиларди.

— Тезроқ бўлсанг-чи! — қистади Султон.

— Балки бормасмиз! — дедим мен.

— Ишонмаганлардан сен эдинг, бўл, олиб чиқ каптарингни, мана кўрасан, у ўзи билан камида иккита-учта каптар бошлаб келади.

Мен хоҳламайгина каптархонага кирдим. Бурчакдаги оқ каптар полапонини босиб ўтиргани учун ҳуркиб ғуриллади. Тезгина уни олдим-да, изимга қарамай жиноятчидек чопдим. Назаримда кўк каптар изимдан қараётган, оқ каптарнинг полапонлари эса эргашиб учаётгандек туюларди менга. Султон мени кутиб турарди. Биз болаларга етишиб олдик. Ҳамма ўз каптарини мақтаб борарди. Тепалик ҳам жуда олисда эди. Биз тушга яқин тепаликка етиб олдик. Бироз дам олгач, каптарларни бараварига осмонга отиб, қийқирдик. Каптарлар ҳам икки-уч гуруҳга бўлиниб, кўздан ғойиб бўлишди. Уйга келганимда кун кеч бўлган эди. Чарчаганимдан овқатимни иситишга ҳам қўймай ухлаб қолдим. Эрталаб алгов-далгов туш кўриб уйгондим. Уйгондиму каптархонага шошилдим.

Эшикни очиб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим. Кўк каптар оқ каптарнинг сўнгги полапонини тумшуғи билан суриб, ўз инига утказар, полапон эса жонсиз эди...

Тўлқин АБДУЛЛАЕВ.

Обуна—97

Ҳиндларнинг беқиёс муҳаббати замирида маърифат ётади. Чунки маърифатли инсонгина чин муҳаббат эгаси бўла олади. «Маърифат» эса уларга доимо ҳамроҳ бўлишга мунтазир.

Азиз педагоглар, таълим-тарбия соҳаси жонкуярлари!



«МАЪРИФАТ»га обуна давом этмоқда.

Спорт

СТАДИОНЛАР ЧОРЛАЙДИ

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг Узбекистонда спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётир. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг футболни ривожлантириш юзасидан иккита қарор қабул қилгани бунинг ёрқин далилидир. Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 январдаги «Узбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳукуматимизнинг 1993 йил 18 мартдаги қарори ўз вақтида тўлиқ бажарилмаганлиги қайд этилиб, спортнинг бу турини кенг ривожлантиришнинг зарур шарт-шароитларини яратиш йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган.

Қарорда футболни кенг оммалаштириш юзасидан халқ таълими органлари, спорт ташкилотлари зиммасига ҳам муҳим вазифалар юклатилган. Биз «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Самарқанд вилоят кенгаши раиси муовини, Узбекистонда хизмат кўрсаттан спорт устаси Мамажон Аҳмедов билан шу ҳақда суҳбатлащдик.

Республика ҳукуматининг мазкур қарори юзасидан Халқ таълими вазирлигининг буйруғи, Самарқанд вилоят ҳокимининг қарори ва шу ҳужжатлар бўйича вилоят халқ таълими бошқармасининг буйруғи чиқарилди.

Вилоятимиздаги шаҳар ва қишлоқ мактаблари, ҳунар мактабларида спортнинг бу оммавий турини ривожлантириш ишида катта камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги буйруқда очиқ-ойдин кўрсатилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш вазифалари белгиланди.

Топширилган вазифани бажариш учун йил бошидан ишга иштиёқ билан киришилиши натижасида кўзга кўринарли тадбирлар амалга оширилди. Вилоятимизда футболга ихтисослашган синфлар сони анча кўпайди, уларнинг моддий базаси яхшиланди. Ҳозирги кунда 1275 та ана шундай футбол мактаблари ва синфлари мавжуд. Халқ таълими тизимида 39 та болалар-ўсмирлар спорт мактаблари бўлиб, улардан 19 таси қошида футбол бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Ҳукумат қарорида вилоят марказларида мазкур ўқув йилида футбол мактаб-интернатлар очилиши вазифаси топширилган эди. Вилоят ҳокимининг буйруғига мувофиқ август ойида 100 ўқувчига мўлжалланган футбол интернат-лицей ташкил этилди. Бу ўқув муассасаси вилоятимиз футбол клублари учун муносиб спортчилар тайёрлаш учоғи бўлиб қолади, деб умид қиламиз.

Бу йил аввалги йиллардагига қараганда спортнинг барча турлари қатори футбол мусобақаларига ҳам бой бўлди. Дастлаб вилоят халқ таълими тизимидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаблари спартакиада биринчилиги ўтказилди. Мусобақа уч босқичда амалга оширилди. 1-босқич спорт мактабларияро, 2-босқич зонал мусобақада жамоалар тўрт гуруҳда беллашишди ва 3-босқич — вилоят финал мусобақасида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар ғолиблик учун қизғин кураш олиб боришди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаби талабалари финал мусобақа ғолиби бўлиб, Тошкент шаҳрида ўн кун давом этган спартакиадада қатнашди ва фахрли тўртинчи ўринни қўлга киритди.

Йил бошидан шу кунгача вилоятимизда ўтказилган футбол мусобақаларида минглаб ўқувчилар беллашишди. Февраль ойида 1983-84 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида «Футбол ғунчаси» мусобақаси ўтказилди. Бу мусобақанинг биринчи босқичида 1080 ўқувчи қатнашган бўлса, иккинчи босқичида 96 ўқувчи ғолиблик учун беллашди. 9-10 ёшли ўқувчилар мусобақасида Самарқанд туманининг «Мотрит» командаси, 11—12 ёшлилар беллашувида Жомбой тумани жамоаси ғолиб чиқди.

Улуғ бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ҳамда туман «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятининг биринчилиги учун Жомбой туманида 12—13 ёшдаги ўсмирлар ўртасида футбол бўйича республика турнири ўтказилди. Бу қизиқарли мусобақада майдон эгалари — жомбойликлар биринчи ўринни, Жиззах ва Бухоро вилояти вакиллари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида халқ таълими ва спорт соҳасида катта хизмат қилган кишилар хотирасига бағишланган футбол мусобақалари уюштирилмоқда. Жумладан, Каттақўрғон, Жомбой, Пайариқ, Паст Дарғом туманларида ана шундай тадбирлар ўтказилди.

Спортнинг эл севган тури сифатида футбол мусобақаларини ўтказиш, биринчидан, спортчилар маҳоратини ошириш омили бўлса, иккинчидан, минг-минглаб томошабинларда, аввало, ёшларда спортга қизиқишни ошириш воситаси сифатида катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир хонадонда, ҳар бир кўчада тўп кетидан югурадиган болалар кўплигига гувоҳмиз.

Вилоятимизда футболни ривожлантириш борасида бирмунча, ишлар қилинди. Жумладан, Иштихон, Пайариқ, Паст Дарғом, Челак, Каттақўрғон, Жомбой туманларида махсус футбол мактаблари фаолият кўрсатаётир. Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими қошида иккита ўсмирлар спорт мактабида футбол бўлими ташкил этилди. Кўпгина шаҳар ва туман мактабларида футбол чуқурлаштириб ўргатиладиган махсус синфларда машғулотлар олиб борилмоқда.

Футболни ривожлантиришга қарата чиқарилган ҳукумат қарори асосида барча мактаблар ва спорт муассасаларида футбол майдончалари ва стадионлар қайта таъмирланмоқда.

Футболни оммалаштиришга кенг жамоатчиликни жалб этиш, халқ таълими ва спорт ташкилотларининг ҳамжиҳатликда иш олиб боришларига эришиш кўзланган мақсадга етишга имкон беради. Бизнинг шароитимизда футбол билан йил бўйи шуғулланиш имкони мавжуд. Бу борада бошлаган ишимизни изчил давом эттириш ниятидамиз.

Суҳбатдош: Ғ. МАННОПОВ.

ДИРЕКТОРЛАР СЕМИНАР-КЕНГАШИ

Марҳамат туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан Тутихон Сойибназарова номидаги 6-урта мактабда «Мактаб ишини режалаштириш»га бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар мактаб иш режасини юритиш тажрибаси ҳақида атрофлича сўз юритдилар, мазкур мавзу юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгаш сўнгида туман халқ таълими бўлими мудири Расулжон Султоналиев сўзга чиқди.

А. ЭРАЛИЕВ.

IN ENGLISH

ENGLISH TEACHERS' NEWSLETTER — OCTOBER 1996 — ISSUE 23

Letter from the Editors

Samarkand is putting its *best foot forward* for the 660th celebration of the birth of Amir Timur. New parks are being built, gardens re-planted and houses remodeled. But the statue of Amir Timur situated at the end of the Boulevard *takes the cake*. He is *sitting pretty* up on his throne and is so large that he will have a *bird's-eye view* of the celebrations on the 18th and 25th of October. The city of Samarkand has done a *first-rate* job.

We wish you were here to celebrate with us!

Sincerely,
Anne Hauk &
Madina Ibadova

We used idioms to help describe the changes taking place in Samarkand this month. Can you guess their meaning from the sentences given here? Let us know!

Please send articles and letters to
In English
c/o SamSIFL
Akhunbabayev St. 93
Samarkand 703004

In English Has a New Editor!

Dear Readers,

My name is Madina Ibadova. I am a teacher at the Samarkand State Institute of Foreign Languages. Thanks to Peace Corps Volunteer Anne Hauk, I can fulfill my dream-to work as a writer and editor in a newspaper. I am especially pleased to work on *In English* because I enjoy foreign languages. Now I have the opportunity to speak to different people, who have the same interest that I have, the English language.

I am lucky to have very good students: first year and second year. Mostly I teach phonetics, conversation and analytical reading. With current methodology I can use many different activities to teach students. Students are very exited to play games, to learn new poems and celebrate holidays. And all of this helps me to enrich their knowledge of English.

I like my job because it's very interesting. While working in the Institute you must be ready to answer all of the unexpected questions students may ask. So it takes me a lot of time to learn more and more about the language and everything that is connected with it. I am pleased to observe how students make progress in English. And I feel I am doing something extremely important.

My job also gave me the opportunity to visit various conferences. For instance, in January I was in Bukhara and participated in a conference organized by Peace Corps. I couldn't have imagined that I'd find so many useful materials there. I used what I'd learnt there in my classes. I also visited the Amir Timur English Immersion Summer Camp in July. It was here that I was a child again. It enriched my English greatly. The camp was something very different, but exiting!

So, the English language has opened up for me many opportunities! I hope our contacts through *In English* will be successful! I am looking forward to receiving your letters and articles.

Sincerely yours,
Madina Ibadova

There's Music in Our Speech

SING THE BLUES
to be disappointed or disillusioned. *Jim is singing the blues since he broke up with Elizabeth.*

MUSIC TO MY EARS
good news; information that makes someone happy. *When my boss told me about my promotion it was music to my ears.*

SOAP OPERA
an hourly dramatic and emotional story broadcast regularly on the radio or television. *Mary's day was not complete unless she saw her favorite soap opera.*

OFF-BEAT
unusual, not typical. *He dressed in off-beat manner.*

TUNE OUT
ignore someone or something. *I tuned out when the speaker started quoting statistics.*

OUT OF TUNE
not in agreement. *His suggestions were out of tune with reality.*

JUMP ON THE BANDWAGON
take a popular position; join the group that has greatest popularity. *The politicians jumped on the band wagon when they thought that the governor was so popular.*

FACE THE MUSIC
accept the unpleasant consequences for one's actions. *Jimmy broke his neighbor's window with his baseball.*

Хулгас...

ТЎРТ САНТИМЕТРЛИК ТЎРТ ИГНА ВА ИККИ ЯШАР ҚИЗГИНА

Кипрдаги Ларнака шаҳри врачлари икки ёшли кичкинтойнинг баданидан 4 см узунликдаги игнани топишганда ростакамига ҳаяжонга тушишди. Боланинг оёғидаги йиринглаган ярани очишганда асбоблар нинага дуч келди. Бирмунча вақт ўтгач эса бола қорнининг остки қисмида шиш пайдо бўлди. У ердан ҳам шунақа игна чиқди. Орадан унча вақт ўтмай қизалоқ боши билан деворга урилиб, жароҳатлангач, ғиншиб бошлади. Рентген унинг бошида ҳам ўша узунликдаги игна борлигини кўрсатди. Шунда болани обдон рентген қилишди. Қарангки, унинг жигаридан тўртинчи игнани топишди.

Врачлар «бу бола баданида тўрт игна билан қандай қилиб яшади», деб ўйлашмоқда, полиция эса бу сирли ҳолни обдон текширмоқда.

ЯЛМОҒИЗ КАМПИРНИ ҚАНДАЙ МЎМИЁЛАШ МУМКИН?

Бу ҳақда Қозоғистон кимё илмий тадқиқот институти ходимлари бош қотиришмоқда. Ҳаммаси институт тадқиқотчиси Дания Шагиахмедова бўлимга ажабтовур ошқовоқ келтирган кундан бошланди. Жуда катта бўлса керак, деган хаёлга бордингиз чамаси. Ундай эмас — ошқовоқнинг вазни бор-йўғи 3 килограмм. Бироқ унинг шакли ҳаммани ҳайратга солди — ошқовоқ ялмоғиз кампир бошининг худди ўзи. Ҳамкасблар дарҳол рўмол ўрашди, резинадан кесиб кўз ёпиштиришди, қарабсизки ялмоғиз кампирнинг худди ўзи бўлди-қолди.

Ошқовоқни овқатга солмасликка, уни полиз «сюрпризлари» қаторида сақлашга қарор қилишди. Энди ҳамма уни чиритмаслик, аниқроғи қандай қилиб мўмиёлаш мумкинлиги борасида бош қотиришмоқда.

ЎҒРИ ЎҒИРЛАЁТИБ... ҲУШИДАН КЕТДИ

Тунда ўғри магазинга кириб олди-да, пайпаслаб кассани топди ва гугуртчўпни гугурт қутисига уч марта чақди — ёнмади. Шунда бирдан даҳшатли овоз эшитилди:

— Нима, бўлмаяптими? Бошқа қутини ол!..

Бу гапдан сўнг бировнинг қаттиқ хохолаши магазин ичини титратди. Даҳшатдан гарангсиб қолган ўғри қўрққанидан... ҳушини йўқотди. Озарбайжоннинг Шемаха чеккасидаги дўкон мудири Камрон Муродов эса милиция ўрнига «Тез ёрдам» чақиришига тўғри келди. Ўзига келган ўғри энди бу «ҳунар» билан ҳеч қачон шуғулланмасликка тантанали суратда сўз берди, деб ёзади Бокуда чиқадиган «Овроосиё» газетаси.

ана шунақа гаплар

ВАТАНИМ ОБОД БЎЛСИН

Бугуннинг гапи

Хорижда бўлиб келган қўшним у ерда кўрганларини бир-бир мақтай кетди: «Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, у ердаги кўчалар ёғ тушса ялагудек, бирам тоза, сариштаки... ҳайрон қоласан, киши. Шунча кўп юриб, аҳолининг кўплигига қарамай, кўчаларда тамаки қолдиғи ёки қоғоз парчасими, шунга ўхшаган ифлос нарса оёқ остида ётганини кўрмадим. Бекатларнинг, майдон ва хиёбонларнинг тозалигини кўриб ёқа ушлайсиз, «офарин» дейсиз. Транспортларнинг ичи ҳам, сирти ҳам ялтирайди. Ойналарида на бир чанг, ғубор кўрасиз.

Унинг бу гаплари мен учун янгилик бўлмаса-да, чет мамлакатларда бўлган бошқа танишларимдан ҳам шу хилдаги мақтов сўзларни кўп эшитган бўлсам ҳам, яна бир бор ўзимизни улар билан солиштира бошлайман. Кўз олдимга истаган жойида, хоҳлаганча бурқситиб тамаки чекадиган, бу ҳам етмагандек дуч келган жойда унинг қолдиғини ташлаб кетадиган кишилар, ер билан битта бўлиб йўлакларда, бекатларда сочилиб ётадиган чипталар, қоғоз парчаларию, музқаймоқ қоғозлари, гугурт доналарию, писта пўчоқлари, ҳаттоки чала ейилган печенье, нон бўлаклари—бари бир-бир кўз ўнгимдан ўтаверади. Ҳайдовчиларнинг илтимоси, огоҳлантириши, таъна-дашномларига қарамай, автобус ичида чекиб, қолдиқларини ўриндиқлар орасига ташлаб кетаётган одамларга нима дейсиз?! Қачон биз ўзгалар меҳнатини қадрлашга ўрганамиз?

Хорижнинг сариштa кўчаларига кўниккан чет эллик сайёҳлар бизда меҳмон бўлиб юртига қайтди дейлик. Улар бизнинг кўчаларимиздаги тартибсизликлар ҳақида юртига бориб нималар дейиши мумкин? Айниқса, бугун Узбекистонни чет эллар таниётган ва тан олаётган бир даврда ҳар томонлама юзимиз ёруғ бўлмоғи керак.

Бу мулоҳазаларимизнинг бир томони бўлса, иккинчи томони шуки, «Ўз уйим-ўлан тўшагим» деган мақол бор. Ватанимизни ҳам ўз уйимиз деб билсак, бу муқаддас она-юртни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Узбекистонни келгуси авлодларга қай аҳволда қолдирамиз деган савол бизни доимо безовта ва ҳушёр қилиб турсин. Агар ҳаммиз, сувимиз ифлосланиб, ерларимиз ҳосилдорлигини йўқотиб, дарёларимиз қурий бошласа, биз келгуси авлодлар юзига қандай қараймиз?

Мен шу ўринда «Қобуснома»да битилган бир ривоятни ёдингизга солмоқчиман. Ривоят қилишларича, подшоҳлардан бири важҳ бирла ўзининг вазирини маъзул этиб, вазирлик мансабини бошқа бир кишига берди. Маъзул бўлган вазирга деди: «Сен қайси жойни ихтиёр этсанг, ўша жойни сенга берурман, то ўзингнинг хеш-ақраболаринг билан унда макон тутиб, ризқ-рўзингни еб осойишта яшагил». Вазир деди: «Менга ризқ-рўз даркор эмас ва мен барча нарсамни подшоҳимга бердим. Мен ҳаргиз ободон мулк тиламасман. Агар менга тараҳҳум қилсангиз, мулкингиздаги бир вайрон кентни беринг, токи мен ул жойни обод этай». Подшоҳ буюрдиким: «Ҳар қанча вайрон кент валоятимизда бўлса, унга беринг!» Подшоҳ фармонини бажармоқ учун кишилар мамлакатнинг бошдан оёғигача ахтариб, бир қарич ҳам вайрона жойни тополмадилар. Охирида қайтиб келишиб: «Мамлакатда унга бергулик вайрон ерни топмадик» деб хабар бердилар. Вазир подшоҳга қараб деди: «Эй худованд, мен билур эрдимки, менга бергудек вайрона йўқдур. Аммо муддаом шулдирки, бу вилоятни мендан олдинг, энди уни шундоқ одамга бергилки, бир вақт ул одамдан қайтиб олур бўлсанг, менинг қайтиб берганимдек бўлсин ва шул ободонлик била яна сенга топширсин». Подшоҳ бу сўзни эшитгандан сўнг мутаасир бўлиб, вазирга узрлар айтиб, бошданоёқ сарполар кийдириб яна вазирлик мансабини ўзига қайтариб берибди.

Қиссадан ҳисса шулки, биз ҳам Узбекистонимизнинг ҳар бир қарич ерини боғу-бўстонларга буркайлик, ривоятдаги вазирдек бўстонга айлантирайлик. Токи, биздан сўнг яшайдиган авлодларга обод ва озод диёрни ёруғ юз билан топширайлик. Келгуси авлодлар бизнинг ишларимизни маломат билан эмас, ифтихор ва ғурур ҳисси билан кўрсинлар.

Ҳ.ОЛИМОВА.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Қурбонбой МАТКУРБОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0646.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.